**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

---

**Тошкент молия институти**

**Баймуратов Турсунбай Махкамбаевич**
**Раджабов Умурзак Аблакулович**

# СОЛИҚ МЕНЕЖМЕНТИ

**ўқув қўлланма**

**Тошкент**
**«IQTISOD-MOLIYA»**
**2005**

**Баймуратов Т.М., Раджабов У.А.** Солиқ менежменти. Ўқув қўлланма, Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005. -112 б.

***

Ушбу қўлланмада иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида солиқ менежментини ривожлантириш стратегияси ва тактикаси, солиқ тизимини оптималлаштириш тамойиллари, шунингдек, турли даражадаги солиқ муносабатларини бошқаришни самарали ташкил этиш масалалари ёритилган.

Ўқув қўлланма иқтисодиёт йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари, «Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги бўйича илмий тадқиқотчилар, аспирантлар ҳамда ўқитувчилар учун мўлжалланган.

***

В данном учебном пособии рассматриваются стратегия и тактика развития налогового менеджмента, принципы оптимизации налоговой системы, а также, эффективные пути управления этой системой в условиях дальнейшей либерализации экономики.

Учебное пособие предназначено для студентов экономических высших учебных заведений, изучающих курс налоги и налогооблажение, а также рассчитан для научных работников, аспирантов и преподавателей.

***

Text-book described tax strategy and tactic in the transfer to the market system, efficiency of tax system, also managing of this system.

This text-book intend to students of higher education and aspirants and teachers which are study tax and tax payments.

***Мазкур ўқув қўлланма Тошкент Молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш қарори асосида нашрга тавсия этилган.***

Тақризчилар: иқт. фанлари доктори, проф. *Э.Ж.Юсупов*
иқт. фанлари номзоди, доц. *А.С.Жўраев*

ББК 65.9(5у) 271

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонаси, 2005 йил.

© Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005

# КИРИШ

Бозор муносабатлари шароити иқтисодиётнинг барча соҳаларида банд бўлган мўтахассислардан чуқур билим, кўникма ва маҳорат сифатларини пухта эгаллашни талаб қилмоқда. Кадрлар тайёрлаш соҳасида давлатимиз сиёсати ҳам ҳар бир шахсни касбий-интеллектуал, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, рақобатбардош этиб шакллантиришни назарда тутади. Ҳар бир касб ўзига хос характер ва мазмунга эга бўлганлиги учун у шунга мос бўлган касбий малакани талаб қилади.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият ривожланишига солиқ муносабатлари бевосита таъсир кўрсатади. Шундай экан уларни тўғри ташкил этиш ва бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштиришда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси кўп жиҳатдан амалдаги солиқ тизимининг қандай даражада бошқарилишига боғлиқлигини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда солиқ муносабатларини ўрганиш ва уларнинг оптималлашувини таъминлашда «Солиқ менежменти» фанининг ўрни беқиёсдир. Солиқ тизими, хусусан, солиқ бошқарувини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва тегишли хулосалар чиқариш орқали унинг такомилини таъминлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ривожланган хорижий мамлакатларда солиқ менежментига алоҳида эътибор берилган бўлиб, ушбу фаолият бўйича иқтисодиёт субъектларига алоҳида хизматлар кўрсатувчи бутун бир инфратузилма шакллантирилган.

«Солиқ менежменти» Давлат таълим стандартларининг ўқув режаларидаги нисбатан янги фан ҳисобланади. Айнан

ушбу фан солиқ муносабатларини бошқарув жараёнини, унинг босқичлари ва таркибини ўрганиш асосида солиқ тизимини бошқаришни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бугун ҳар бир мутахассисликда, айниқса, «Солиқлар ва солиққа тортиш» бакалавриат таълим йўналиши ва унинг базасида тайёрланадиган магистратура мутахассисликларида таълим олаётган талабалар солиқларнинг иқтисодий-ҳуқуқий категория эканлигидан келиб чиқиб, солиқ муносабатларига дахлдор бошқарув илмини билиши, ўз фаолияти билан алоқадор бўлган турли жараён, муносабатларни бошқариш асосларини ўзлаштириши талаб этилади. Улар нафақат ўз бурч ва масъулиятларини, балки давлат ҳамда бошқа иқтисодиёт субъектларининг манфаатларига алоқадор бўлган меъёрий-ҳуқуқий мажмуани мукаммал ўзлаштирган бўлишлари лозим.

Мазкур сифатларни шакллантиришда бир томондан, ижодий изланиш, таълим-тарбия муҳим бўлса, иккинчи томондан, мазкур соҳадаги мавжуд бошқарув тизимининг мазмун-моҳияти, тамойилларини англаш ҳам асосий омил ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, ушбу ўқув қўлланмада солиқ муносабатларини бошқаришнинг оптимал тизимини қарор топтириш шакл ва услублари баён қилинган.

Солиқ менежменти ниҳоятда кенг доирани ўз ичига олган, ҳамиша такомилдаги фандир. Солиқ муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини мукаммал ҳисобга олиш, умумийлик ва хусусийлик ўртасидаги боғланишга жиддий эътиборни қаратиш, ҳар бир аниқ ҳолатга аниқ, ижодий ёндашган ҳолда солиқ бошқарувининг ўзига хос қирраларини

пухта эгаллаш солиқ менежменти муваффақиятини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан ушбу қўлланмада солиқ менежментининг мазмун-моҳияти, уни ташкил этиш асослари ва амалга ошириш жараёни босқичма-босқич ёритилган. Шунингдек, қўлланмада солиқ муносабатларини бошқариш борасида классик қарашлар ва назариялар ҳам ўз ифодасини топган, солиқ менежментининг баён этилган, унинг субъектлари кўрсатиб берилган.

Ушбу ўқув қўлланманинг биринчи нашрида маълум камчиликлар бўлиши ҳам табиий ҳолдир. Шу сабабли, муаллифлар бу борада таклиф-мулоҳазаларини билдирган соҳа мутахассисларига олдиндан ўз миннатдорчиликларини изҳор этади.

# I боб. СОЛИҚ МЕНЕЖМЕНТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ФУНКЦИЯ ВА УСУЛЛАРИ

***Солиқ* менежментининг предмети ва вазифалари**

Солиқ тизимининг шаклланиши ва уни ривожлантириш зарурияти, шунингдек, солиқ менежментини йўлга қўйиш масаласи - мамлакатимизда эркинлаштириш стратегиясининг муҳим шарти саналади. Шу жиҳатдан олиб қараганда бугунги кунда, солиқлар ва солиқ тизимини назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш, солиқларни амалиётда қўлланилиши, хусусан, солиқ бошқаруви, унинг вазифаларини ўрганиш ҳамда самарали ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарувнинг, хусусан, солиқ менежментининг вазифаси объект-субъект муносабатлари тизимини қарор топтириш (1-чизма) жараёнида вужудга келувчи бошқарувчи ва бошқариладиган тизимлар ўртасидаги алоқа доимий равишда мувофиқлаштирилиб туришини таъминлашга қаратилганлиги эътиборга моликдир.

***1-чизма.***

***Бошқариш объекти ва субъекти ўртасидаги муносабатлар***




Айнан мана шу мувофиқлаштириб туриш бошқарувнинг асосини ташкил этади ва унда у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни бажариш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади. Бошқарув - жараён сифатида ўзининг функцияларида намоён бўлади. Шу ўринда, "функция" - лотинча "functio" (ижро

қилмоқ, бажармоқ) сўзидан олинган бўлиб, «бирон кимса ёки нарсанинг иш фаолият доираси, вазифаси», -деган маъноларни билдиради.[1]

| | |
|---|---|
| ***Бошқарув функциялари-*** | фаолият доираси ва вазифаси сифатида субъектнинг объектга аниқ таъсир этиш йўналишларини ўзида акс эттиради. |

Бошқариш - кўп қиррали ва мураккаб тушунча бўлиб, уни муҳим белгиларига кўра, туркумлаб ўрганиш мазкур фаннинг мақсадига мувофиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ менежменти асосларини пухта эгаллаб олиш орқали солиқ субъектлари: солиқ йиғувчи ва солиқ тўловчи ўз манфаатларига мос келадиган солиқ муносабатларини ташкил этиш, самарали солиқ бошқарувини амалга ошириш учун нималарни қилиш лозимлигини англаб етиши, тўғри йўл топа билиши мумкин бўлади.

Солиқ менежери қуйидагиларни, яъни:

- солиқ менежментининг мазмуни ва моҳиятини;
- солиқ менежментининг таркибий қисмларини;
- бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли солиқ бошқарувини амалга ошириш юзасидан масъулиятидаги вазифаларни уддалашни;
- солиқ муносабатларини бошқариш борасида тўпланган кўникма ва тажрибани;
- солиқ тизимининг мазмун-моҳиятини мукаммал билиши

талаб этилади.

Солиқ менежменти фанини ўқитишнинг мақсади, талабаларда унинг муаммоларини билишга бўлган интилишни

---
[1] Каранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -М.: Рус тили, 1981. Т. 170 - бет.

кучайтириш, солиқ бошқаруви бўйича амалий-ташкилий фаолиятга иштиёқ уйғотишга қаратилгандир. Бугунги талаба - эртанги кунда солиқ бошқаруви тизими ходими, кичик ва ўрта, катта жамоалар раҳбари, корхона ёки фирмада солиқ муносабатларини бошқариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқувчи ва уларни амалга оширувчи мутахассис бўлиб етишади.

Солиқ менежменти фани - бозор иқтисодиёти шароитида самарали солиқ бошқарувини амалга оширишга таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар, омилларни ўрганади(2-чизма). Ушбу фаннинг вазифаси технологияларни кенг қўллаган ҳолда бошқарувнинг энг мақбул, самарали илмий-назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишга қаратилгандир.

***2-чизма***

***Солиқ менежменти фанининг предмети, функция ва усуллари***




Бир томондан, солиқ менежменти ҳозирги замон иқтисодий ривожланиш йўлидаги барча қийинчиликларни,

ижтимоий - психологик муаммоларни ишбилармонлик руҳидаги ёндашув орқали ҳал этиш мумкинлигини ўрганади.

Иккинчидан, у ҳар қандай солиқ муносабатлари шароитида ҳам танлов асосида энг мақбул қарорни қабул қилиш ва уни муваффақиятли амалга ошириш ҳақидаги назарий-амалий билимлар мажмуаси саналади.

***Солиқ менежменти фани*** - солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг барча жиҳатларини бошқариш, шунингдек, самарали солиқ бошқаруви негизида даромад(фойда)ни янада кўпайтириш ҳақидаги назарий-амалий билимлар мажмуасини ўрганади.

Мазкур фаннинг таркибий қисмлари қуйидагилардир:

- солиқ менежменти объектлари ва субъектлари орасидаги муносабатлар ва уларни бошқариш;
- солиқ менежменти тамойиллари ва усуллари;
- солиқ менежменти фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари;
- бошқарув тизимида солиқ менежерининг ўрни ва роли;
- солиқ муносабатларини бошқариш;
- солиқ менежментида қарорни қабул қилиш моделлари ва усуллари;
- солиқ менежменти қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;
- самарали солиқ бошқарувини ташкил этиш асослари;
- ўзини-ўзи бошқариш механизмини қарор топтириш ва ҳоказолар.

Солиқлар муносабатларини бошқариш давлат бошқарувининг барча даражаларига дахлдор бўлгани ҳолда бир қатор ўзига хосликка ҳам эгадир.

*Солиқ менежменти,* биринчидан, бу солиқлар тизими,

давр ва кенгликда барча солиқ муносабатларини қамраб олган узлуксизлик характерига эга бўлган жараён ҳисобланса, иккинчидан, у маълум иқтисодий, молиявий, ижтимоий, натижаларга эришиш учун солиқлар ва солиққа тортишга мақсадли таъсир этиш омили ҳамдир. Учинчидан, бу жараён талаб этиладиган натижага эришиш учун *«режалаштириш - ташкиллаштириш - мувофиқлаштириш - мотивлаш - назоратни таъминлаш»* ишига хизмат қилувчи талаблар тизимини ўзида акс эттирган мақсадлар ҳамда вазифалар мажмуаси, шунингдек, уларнинг бажарилишини таъминлаш жараёнидир.

Солиқ тизими иқтисодий-сиёсий ва ижтимоий жараёнлар таъсирида бўлган доимий такомилдаги динамик тизим ҳисобланади. Мазкур тизимнинг илмий-амалий муаммоларини ҳал этиш, айни вақтда, солиқ бошқарувини такомиллаштиришни талаб этади. Солиқ муносабатлари бошқарув объекти сифатида мавжуд ижтимоий реалликни ўзида акс эттирган иқтисодий категориядир.

Солиқлар ўзида мужассам бўлган ички иқтисодий ресурс орқали давлат даромадларини шакллантириш омили бўлиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Улар абстракт мулоқот ва англашлар орқали шакллантириладиган ҳамда қайд этиладиган ҳодисадир. Солиқлар тизими эса, ўзида назарий жиҳатдан сингдирилган «ички имкониятларни» иқтисодий фаолият ҳисобидан амалга оширишнинг амалий шакл ва муносабатлар мажмуаси ҳисобланади.

**Солиқ менежменти фанининг функциялари**

Солиқ менежменти негизини объект-субъект муносабатлари тизими ташкил этади, улар эса, узлуксиз равишда ўзаро таъсирга эга бўлган муҳитни қарор топтиради (3-чизма), унинг иерархияли кесимида вужудга келувчи бошқарувчи ва бошқариладиган тизимлар ўртасидаги алоқани доимий равишда мувофиқлаштириб туриш талаб этилади.

*3-чизма.*

***Солиқ менежменти объекти ва субъекти ўртасидаги муносабатлар***




Айнан мана шу мувофиқлаштириб туриш солиқ менежменти функцияларининг асосини ташкил этади ва унда у ёки бу солиқ бошқарувига оид аниқ вазифаларни бажариш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади. Солиқ менежменти - жараён сифатида ўзининг функцияларида намоён бўлади.

> ***Солиқ менежменти функциялари*** - фаолият доираси ва вазифаси сифатида солиқ бошқаруви субъектининг солиқ бошқаруви объектига аниқ таъсир этиш йўналишларини ўзида акс эттириш ҳисобланади.

Солиқ менежменти функциялари кўп қиррали ва мураккаб бўлиб, уларни муҳим белгиларига кўра туркумлаб ўрганиш (4-чизма) мазкур фаннинг мақсадига мувофиқдир.

Солиқ менежменти функцияларининг мазмун-моҳияти, туркумланиши ва тизимини ўрганиш орқали солиқ муносабатларида самарадорлик ортади.

Солиқ менежменти функциялари туркумларида ва босқичларида солиқ муносабатларининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлади. Шундан келиб чиқиб, солиқ менежменти фанининг функцияларини, уларнинг солиқ муносабатларидаги ўрнини ўрганиш орқали солиқ бошқарувини муваффақиятли амалга ошириш имконияти янада кенгаяди.

***4-чизма.***

***Солиқ менежменти функцияларининг туркумланиши***

| № | Мазмуни ва моҳиятига кўра | Солиқ менежменти функцияларининг туркумланиши |
|---|---|---|
| I | Қўлланилиш кўламига қараб | - умумий (асосий) функциялар<br>- аниқ функциялар |
| II | Фаолият турига қараб | - иқтисодий функциялар<br>- ижтимоий функциялар<br>- ташкилий функциялар |
| III | Объектни қамраб олишига қараб | - ҳудудий функциялар<br>- тармоқ функциялари |
| IV | Меҳнат тақсимоти белгисига қараб | -менежернинг функциялари<br>-бўйсунувчи(ижрочи)нинг функциялари |

Солиқ менежменти фанининг вазифаси янги технологияларни кенг қўллаган ҳолда солиқ муносабатларининг энг мақбул-самарали илмий-назарий асосларини ишлаб чиқишдир.

Солиқ субъектининг ҳатти-ҳаракатлари замирида доимий унинг учун дастурий мақсад, майл мужассам бўлади, унга кўра, субъектнинг у ёки бу муносабат ҳолатидан таъсирланиши юз беради. Бунда унинг характерига хос белгиларни аниқ билиб олиш мумкин. Мазкур жараён солиқ менежменти фанининг илмий таҳлил предметига айланиши зарур. Фаннинг бундай тизилмалашуви солиқ муносабатларида теранлик, объективлик ва ишонч негизида

жиддий ташкилий - бошқарув ишларини олиб боришнинг асоси бўлади.

Шу ўринда, «мўносабат» категориясини ўрганиш фойдалидир. Муносабат - фаолият ривожланишининг кўп қиррали жараёни бўлиб, субъектлар ўртасидаги биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган ўзаро боғланишларнинг мураккаб мажмуаси ҳисобланади.

Солиқ бошқарувида бундай биргаликдаги жараённи самарали ташкил этиш, ўзаро ҳамжиҳатлик асосида муносабатларни қуриш ва уларни мувофиқлаштириш қонуниятларини билиш орқали малака-кўникмани ривожлантириб бориш солиқ менежментини муваффақиятли ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиб беради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, солиқ менежменти фанининг тамойиллари ҳар қандай солиқ бошқаруви жараёнининг ўзаги сифатида, унинг мураккаб ҳамда ўзаро боғлиқ функциялари фаолиятини йўлга қўйишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган долзарб вазифаларни бажаради (5-чизма).

***5-чизма.***

***«Солиқ менежменти» фанининг тамойиллари ва уларнинг туркумланиши***

| **«Солиқ менежменти» фанининг тамойиллари** | |
|---|---|
| масъулият ва жавобгарлик; | яккабошчилик; |
| ҳаракатнинг яхлитлиги; | субъектлар манфаатлари мослиги; |
| марказлашув; | корпоратив руҳни шакллантириш; |
| адолатлилик; | ташаббусни рағбатлантирув; |
| иерархия даражаларида ўзаро яхлит алоқалар занжири мавжудлиги. | |
| **«Солиқ менежменти» фани тамойилларининг туркумланиши** | |
| мақсадларни шакллантириш; | ташкилий фаолиятни қуриш; |
| стратегик режалаштириш; | қарорлар қабул қилиш; |
| мотивацияни амалга ошириш; | назоратни йўлга қўйиш; |
| солиқ бошқарувини мувофиқлаштириш. | |

Солиқ муносабатларининг аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитдаги ўзаро алоқадорлик ва таъсир даражаси солиқ менежментининг самарали амалга оширилишида муҳим ўринга эгалигини таъкидлаш лозим.

**Солиқларни бошқариш ва солиқ менежменти**

Солиқ менежменти ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги икки йўналишда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир: *биринчиси,* солиқ тизимининг ўзини бошқариш бўлса, *иккинчиси,* жамиятдаги муносабатларнинг базиси бўлган, метасоциал тизим сифатида, солиққа тортишни бошқариш ҳисобланади. Бу ўринда, солиқ менежментининг ўзига хос томонлари яққолроқ кўзга ташланади: биринчидан, у солиқлар ва солиққа тортиш назарияси ва амалиёти жабҳаси сифатида мазкур соҳа муаммоларининг ечимини ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқ бўлса, иккинчидан, солиқ бошқаруви инфратузилмаси самарали шакллантирилиши ва ривожлантирилишини таъминламасдан туриб, шунингдек, унинг бошқа жиҳатларининг ўзаро таъсирисиз солиқ тизимининг муаммоларини ҳал этиш мумкин эмас. Учинчидан, бу жараён «бошқарув-раҳбарлик-мувофиқлаштириш» омили сифатида намоён бўлади.

Солиқларнинг асл мазмун - моҳияти, иқтисодий субъектлар фаолиятларини мувофиқлаштириш орқали улар функцияларини жамият ривожланишидаги ўрнида ўз аксини топади. Давлатнинг молия-бюджет тизими таркибида солиқлар уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёни ҳамда унга таъсир этувчи омилларни ўзида тўлиқ акс эттирган молиявий категория бўлиб, улар молия-солиқ сиёсати орқали бошқарилади. Солиқ

менежменти солиқ муносабатларини бошқариш жараёни бўлиб, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ фаолият мажмуаси сифатида намоён бўлади.

Солиқларни мувофиқлаштириш мураккаб, кўп омилли ҳамда кенг кўламли таъсир этиш жараёни бўлиб, у ўзида ушбу муносабат субъектларига таъсир этиш йўналишлари ва механизмлари орқали жамият олдига қўйилган иқтисодий-ижтимоий масалалар ҳал этилишини таъминлайди. Айнан солиқларнинг бу роли, давлатнинг эҳтиёжига кўра, объектив равишда солиқ тизимининг устувор стратегик аҳамиятга молик бўлган жабҳаси саналади.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишлари учун пул маблағлари шаклидаги қийматни қайта тақсимлаш жараёнини ўзида акс эттирган мажбурий ва қайтимсиз тўловлар сифатида иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштириш - солиқ менежментининг асосини ташкил қилади. Шунга кўра, солиқ менежменти - таркибан ўзига хос бўлган мураккаб-махсус, шунингдек, мақсадга йўналтирилган илмий-амалий жараён ҳисобланади.

***Солиқ механизми-солиқ муносабатларини бошқариш усуллари йиғиндиси сифатида***

Солиқ менежменти солиқ механизми орқали амалга оширилади. Солиқ механизми - солиқ муносабатларини бошқаришни ташкил этиш усуллари йиғиндиси деб аташ мумкин. Лекин бу таъриф солиқ механизмининг ташкилий-ҳуқуқий мазмун-моҳиятини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди.

Солиқ механизми - давлат, жамият ва алоҳида субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш юзасидан марказлаштирилган ва

марказлаштирилмаган пул маблағлари фондларини ташкил этиш билан боғлиқ объектив муносабатларни бошқариш усуллари йиғиндиси ҳамдир.

Солиқ механизми - иқтисодий категория сифатида, солиқлардан фарқли ўлароқ, кишилар онгли фаолиятининг натижаси сифатида, жамият устқурмасига тегишли бўлиб, уни амалга ошириш субъектив моҳият касб этади. Солиқ механизми - кенг тушунча бўлиб, уни солиқ муносабатларининг таркибий элементлари мажмуаси сифатида ўрганиш ўринлидир.

Солиқ объекти, субъекти, солиқ базаси, солиқ ставкаси, солиқни тўлаш муддатлари, солиқ бўйича имтиёзлар ва жарималар, солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби, солиқ тўловчиларнинг масъулиятлари, солиқ назоратини олиб бориш тартиби кабилар солиқ механизмининг муҳим таркибий элементлари ҳисобланади. Шунга кўра, *солиқ механизми - давлат томонидан солиқ муносабатларини ташкил этиш учун қўлланиладиган қонунлар, солиққа тортишнинг ташкилий - ҳуқуқий бошқарув усуллари йиғиндисини ўзида акс эттиради.*

Солиқ муносабатларининг таркибий қисмлари, шакл, тур ва усуллари йиғиндиси солиқ механизми асосини ташкил этади. Солиқ механизмининг таркибий қисмлари миқдор жиҳатдан ўлчов бирликлари ўрнатиш йўли билан, бошқача қилиб айтганда, у солиқ объекти ва субъекти, солиқ ставкаси ва солиқларни ундириб олиш муддати, солиқлар бўйича имтиёз ва жарималарни қўллаш орқали ҳаракатга келтирилади.

*Солиқ механизми - давлат томонидан солиқ*

*муносабатларини ташкил қилиш усуллари йиғиндиси бўлиб, у мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш юзасидан давлат томонидан қўлланилади.*

Давлат солиқ муносабатларини ташкил этиш усулларини ўрнатади ва уларга мос қонунлар мажмуасини яратади ҳамда кучга киритади. Хусусан, давлат солиқ қўмитаси амалдаги солиқ қонунчилиги асосида ҳамда ўзининг ваколат доирасида ҳар бир солиқ турлари бўйича йўриқномалар ишлаб чиқади.

Солиқ механизмининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа солиққа оид меъёрий ҳужжатлар мажмуасидан иборат бўлиб, уларда умуммиллий ва давлат манфаатлари ўз аксини топгандир.

Солиқ механизмининг асосий таркибий қисмлари йиллар давомида бирмунча ўзгаришсиз бўлса (масалан, солиқ турлари), унинг элементлари эса, (масалан, солиқ ставкаси, имтиёзлари) ҳар йили ўзгартирилади.

Солиқ механизми давлат бюджети даромадларини шакллантиришда фойдаланиладиган асосий восита сифатида бюджет тақчиллигини бартараф қилишга қаратилганлиги эътиборга моликдир. Айнан, давлат бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиш, тадбиркорликни ривожланишига шарт-шароит яратиб бериш ва айни вақтда, аҳолининг кам даромадли қатламини ижтимоий ҳимоясини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида солиқ механизмидан фойдаланади.

Солиқ механизми кўпроқ фискал аҳамият касб этишини

эътиборга олган ҳолда унинг асосий вазифаси давлат бюджети даромадини шакллантириш ҳисобланади. Бу борада қуйидагилар асос қилиб олиниши лозим:

-давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тадбирларни амалга ошириш харажатларини пул билан таъминлаш;

-давлат бюджети тақчиллигини имкон қадар камайтириш.

Маълумки, бюджет тақчиллигини камайтиришга нафақат бюджет харажатларини қисқартириш, балки функционал солиқ механизмидан фойдаланган ҳолда бюджет даромадларини кўпайтириш ҳисобига ҳам эришиш мумкин.

Солиқ механизми бозор иқтисодиёти шароитида, иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, солиқ механизми давлат томонидан иқтисодиётни бошқаришнинг асосий воситаси сифатида қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- *бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш.* Бу вазифа мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш, хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга асосланади.

- *мулкчилик ва хўжалик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча солиқ тўловчилар учун бир хил имконият яратиб бериш.* Бу борада солиқ механизми универсаллашиши талаб этилади. Бундан ташқари мавжуд солиқ механизми солиқ тўловчи субъектларга, хўжалик фаолиятининг соҳаси ва иқтисодиёт тармоғидан қатъий назар, меъёрий ривожланиш имкониятини яратиб бериши лозим.

- *юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш.* Солиқ механизми солиқлар

бўйича имтиёзлар бериш ва жарималар ундириш орқали уларнинг хўжалик фаолиятига маълум даражада иқтисодий жиҳатдан таъсир этишни назарда тутади.

- *ташқи иқтисодий фаолиятни ҳамда экспортни рағбатлантириш*. Солиқ механизмининг бу вазифаси ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш ва халқаро бозорга чиқиш мақсадида маҳсулот экспортини етарли даражада рағбатлантиришга доир имтиёзларни ўзида намоён этиши лозим.

- *солиқ тўловчиларга маълум даврда баъзи имтиёзлар бериш ва зарур пайтда жарималар солиш орқали улар фаолиятига таъсир кўрсатиш*. Солиқ механизмининг ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши орқали мамлакатда умумиқтисодий ўсиш таъминланади.

Солиқ механизми юқоридагилардан ташқари табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантириш, шунингдек аҳоли пул даромадларини ошириш ёки қисқартириш орқали уларнинг тўлов қобилиятига таъсир этиш каби муҳим вазифаларни ҳам бажариши лозим.

Солиқ механизмининг иқтисодий аҳамиятини ўзида мужассам этган қуйидаги:

- *аҳолининг ҳар хил ижтимоий гуруҳлари даромадларини тартибга солиш*. Солиқ ставкаси миқдори шундай оптимал даражада бўлиши, яъни барча ижтимоий гуруҳлар учун унинг миқдори яна ҳам кўпроқ даромад олиш ташаббуси ва манфаатига зид бўлмаслиги керак;

- *аҳолининг кам даромадли қисмини кескин*

*қашшоқлашишига тўсиқ бўлиб хизмат қилиш;*

- *демографик сиёсат талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил имтиёзлар бериш каби вазифалари ҳам тўлиқ бажарилиши муҳимдир.*

Солиқлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаси ҳамда иқтисодиётни бошқаришнинг асосий воситаларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам солиқ механизми кенг қамровли, айни пайтда, иқтисодиёт субъектлари фаолиятига ижобий таъсир этувчи бўлиши лозим.

Иқтисодиётни бошқариш икки хил шаклда амалга оширилади:

- маъмурий бошқариш;
- иқтисодий бошқариш.

Солиқ менежментининг бозор муносабатлари шароитига мос келувчи асосий усули, иқтисодиёт субъектлари фаолиятини уларнинг молиявий натижаларига боғлиқ қилиб қўйишдан иборат.

Солиқ ставкаларига ўзгартиришлар киритиш, солиқлар бўйича имтиёзлар ҳамда жарималар механизмидан фойдаланиш, баъзи бир солиқларни жорий этиш, айримларини бекор қилиш ва бошқа омиллар ёрдамида давлат алоҳида олинган тармоқ ёки иқтисодиёт соҳаси ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиб беради.

**Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқаришнинг аҳамияти**

Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқаришнинг асосий мақсади хўжалик юритиш учун қулай шароит яратиб бериш ва субъектларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан

иборат бўлиб, ушбу мақсадларга эришиш учун қўйидаги усуллардан фойдаланилади:

- солиқ тушумлари ҳажмини ўзгартириш;
- солиққа тортишнинг шакл ва усулларини ўзгартириш;
- солиқ ставкаларини ўзгартириш, уларни табақалаштириш;
- солиқ имтиёзларидан фойдаланиш;
- солиққа тортилиши лозим бўлган объектларни ўзгартириш;
- жарималар қўллаш ва бошқалар.

Давлат иқтисодиётни солиқлар орқали тартибга солишга макро ва микроиқтисодий даражада таъсир этади. Макроиқтисодий даражада, солиқ ставкасига ўзгартириш киритиш орқали инфляцияни чегаралаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудлараро мукаммал жойлашишини тартибга солиш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд этиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш каби мақсадларга эришилади. Микроиқтисодий даражада эса, субъектларнинг молиявий ҳолатига таъсир этиш, уларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мумкин бўлади.

Иқтисодиётни солиқлар орқали бошқаришда солиқ механизми элементларидан кенг кўламда фойдаланилади. Мазкур элементлардан, бошқарувнинг самарали чоралари сифатида, солиқ ставкалари, солиқ имтиёзларини ўзгартириш кабиларни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

**Солиқ менежменти фанининг турлича ёндашув ва усуллари**

Солиқ менежменти фанининг тадқиқот усуллари солиқ муносабатларини бошқаришнинг барча жиҳатларини илмий-

амалий асосда ўрганиш, таҳлил қилишга қаратилгандир. Мазкур фан воқеликни билишга қаратилган тадқиқот жараёнида умумиқтисодий усулларни қўллайди (6-чизма). Мазкур тадқиқотнинг бошланғич босқичида солиқ менежменти объектини ҳар томонлама акс эттирувчи ва уни имкони борича тўлиқроқ таҳлил этишга ёрдам берувчи маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда у баҳоланади. Бу туркум муносабатлар солиқ менежментининг турли даражадаги воқеликларга дахлдор бўлиши ҳам мумкин.

Солиқ менежменти фанининг юқорида санаб ўтилган илмий-амалий жиҳатдан асосланган ёндашув ва усулларидан ўзаро боғлиқ ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

**Солиқ менежменти фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги**

Солиқ менежменти кўп қиррали ва мураккаб, ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жараёнлар тизимидан ташкил топгандир. Шундан келиб чиқиб, солиқ менежментини яхлит тизим сифатида такомиллаштириш, *бир томондан*, самарали солиқ менежментини амалга ошириш бўлса, *иккинчи томондан*, халқаро андозалар даражасида касбий маҳоратга эга бўлган солиқ менежерларини ҳар томонлама етук бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Ушбу ҳолат «Солиқ менежменти» фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини зарурат сифатида намоён қилади. «Солиқ менежменти» фанининг мазмуни, мақсади ва вазифалари ҳозирги шароитда иқтисодий, илмий ва бошқа билимлар соҳасида эришилган мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда солиқ муносабатларини бошқаришни янада самарали ташкил этиш, унинг ўзига хос қонуният,

тамойил ва механизмларини тўлароқ ўрганишга қаратилгандир.

*6-чизма.*

***Солиқ менежменти фанининг таҳлил усуллари***

| № | Таҳлил усуллари | Уларнинг мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1 | Тизилмали ёндашув | * менежмент объекти яхлит тизим тарзида ўрганилади. Бу ёндашув турлича бўлиши мумкин:<br>* тизилмали-мажмуали<br>* тизилмали-функционал<br>* тизилмали-таркибий<br>* тизилмали-коммуникацион |
| 2 | Мажмуали (комплексли) ёндашув | * менежмент объекти бошқа объектлар билан ўзаро боғлиқлик ва алоқадорликда ўрганилади. |
| 3 | Таркибий ёндашув | * менежмент объекти таркибий қисмларга бўлиб ўрганилади. |
| 4 | Вазият (ситуация)ли ёндашув | * менежмент объектининг аниқ шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб, бошқариш усуллари қўлланилади. |
| 5 | Интеграцион ёндашув | * менежмент объекти усуллар (вазиятли, мажмуали, таркибий ёндашувлар)ни яхлит қўллаш ёрдамида бошқарилади |
| 6 | Моделлаштириш | * менежмент объектини бошқариш бўйича турли жадвал, график, чизма, диаграмма ва бошқа материаллар тайёрланади. |
| 7 | Иқтисодий математик ёндашув | * энг маъқул қарорни қабул қилиш мақсадида математик усул ва ҳисоблаш технологияларидан кенг фойдаланилади. |
| 8 | Кузатиш усули | * менежмент объекти тўғрисидаги маълумотларни режали, илмий асосда тўплаш орқали база яратилади. Улар сифат ва сон жиҳатдан таҳлил этилади. |
| 9 | Тажриба (эксперимент) усули | * солиқ менежменти жараёнида объектга нисбатан намунавий, тажрибадан ўтган усуллар қўлланилади. |
| 10 | Социологик кузатув усули | * солиқ муносабатларини самарали бошқариш мақсадида турли анкетали сўров, тест ва бошқа баҳолашлар ўтказилади. |

Солиқ менежменти фани бир қатор фанлар билан узвий боғлиқдир (7-чизма). Солиқ менежменти фани барча фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўз мавзуи даражасида тадқиқотни амалга оширувчи, шунингдек, бошқа фанларнинг хулосаларига таяниб, бозор муносабатлари шароитида солиқ муносабатларини бошқаришни юқори савияда ва янада

самарали олиб боришга оид назарий - амалий билимларни берувчи фандир.

*7-чизма.*

***Солиқ менежменти фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги***




Масалан: солиқ менежменти ва ҳуқуқшунослик фанлари ўзаро чуқур алоқада бўлиб, бу алоқадорликни кўрсатувчи қатор далиллар келтирилиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, солиқ менежментида, объект-субъект муносабатларини, солиқ муносабатларини бошқаришни ўрганиш жараёнида, албатта, қатор қонун, қарорлар мажмуаси асосида, яъни ҳуқуқий меъёрларга амал қилган ҳолда, унинг у ёки бу объектига оид аниқ вазифаларни бажариши юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқади. Умуман, солиқ менежменти ёки уни ўрганаётган ҳар бир мутахассис ҳуқуқий билимларни пухта эгаллаши, уларга ҳар томонлама амал қилиши орқалигина мамлакат иқтисодий-ижтимоий

тараққиёти ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади. Бугунги кунда солиқ менежери нафақат ўз соҳасини пухта билиши, балки яхши ташкилотчи, айни вақтда, ҳуқуқий билимларнинг ҳам соҳиби бўлиши зарур.

Мазкур фанлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик иқтисодий демократик тамойилларга асосланган соғлом рақобатни ривожлантириш, энг муҳими, ташкилий фаолиятнинг ҳуқуқий жиҳатларига доир бир қатор масъулият-мажбуриятларини белгилайди. Солиқ менежменти жараёнида уларга тўлиқ амал қилиш солиқ муносабатлари бошқаруви самарали бўлишини таъминлайди ва унинг муваффақиятини ҳам белгилаб беради.

### *Мавзу бўйича хулосалар:*

- *«Солиқ менежменти» фанининг предмети ва вазифалари кўрсатилди;*
- *солиқ менежменти солиқ муносабатларини амалга ошириш жараёни бўлиб, функционал корпоратив бошқарувнинг муҳим аҳамиятга эга ажралмас қисми эканлиги аниқланди;*
- *солиқ менежментининг иқтисодий мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилди;*
- *солиқ менежменти объектлари аниқланди;*
- *бошқарув тизимида солиқ менежментининг роли талқин этилди.*

### *Мавзунинг таянч иборалари:*

*солиқлар, солиқ тизими, солиқлар ва солиққа тортиш, солиқларнинг ички имкониятлари, метасоциал тизим, солиқ менежменти инфратузилмаси, солиқ тўловлари, солиқ*

*механизми, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкалари, солиқ менежменти объектлари*

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

*1. Солиқ менежменти фани нималарни ўрганади?*

*2. Солиқ менежменти фанининг предмети нима?*

*3. Солиқ менежментининг моҳияти ва мазмуни ҳақида нималарни биласиз?*

*4. Бозор иқтисодиёти шароитида самарали солиқ менежментини амалга ошириш учун нималарга эътибор бериш керак?*

*5. Солиқ менежменти фани функцияларининг мазмуни ва моҳияти ҳақида нималарни биласиз?*

*6. Солиқ менежменти функцияларини туркумлаш ва уларни туркумлаб ўрганишнинг аҳамияти нимада деб биласиз?*

*7. Солиқ менежменти тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳияти.*

*8. Солиқ менежменти ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.*

*9. Солиқ менежментининг асоси.*

*10. Солиқ менежментини амалга оширишда солиқ механизми.*

*11. Солиқ менежменти фанининг усуллари ва ёндашувлари ҳақида нималарни биласиз?*

*12. Солиқ менежменти фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлигини кўрсатувчи мисоллар келтирсангиз.*

*13. Ўзбекистонда солиқ менежменти фанини ўрганишнинг долзарблиги нимада деб ўйлайсиз?*

*14. Замонавий солиқ менежментини ўрганишнинг аҳамияти нимада?*

**_Фойдаланилган адабиётлар:_**

*1, 3, 4, 8, 13, 14, 16, 27, 28, 30, 34, 35, 41, 44, 50*

# II боб. СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ
## (ривожланиш босқичлари ва назариялари)

**Қадимги дунё ва ўрта асрларда солиқ муносабатлари**

Жаҳон амалиётидан маълумки, ижтимоий ривожланиш қонуниятларини (иқтисодий, сиёсий ва бошқа) ўрганадиган илмий фанлар соҳаси ва турли даражадаги хўжалик муносабатларининг ҳеч бири солиқ тизимидаги муносабатлар даражасидагидек аҳамиятли, зиддиятли ва кўп функционал эмасдир.

Солиқлар, дастлабки ёзма манбалар пайдо бўлган даврдан то ҳозирги кунга қадар, солиқ йиғувчилар ва уларни тўлашга мажбур шахслар ўртасида кескин мунозаралар соҳаси бўлиб қолмоқда. Солиқлар ва солиқ муносабатлари пайдо бўлибдики, мазкур тизим, унда рўй бераётган ўзгаришлар субъектларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Солиқ муносабатларини ҳар томонлама ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш оптимал солиққа тортиш тизимини ташкил этишнинг асоси ҳисобланади. Уларни бошқаришда солиқ муносабатларининг энг устувор, адолатлилик тамойилига амал қилиниши натижасида давлат хазинаси даромадлари кўпайиши, солиқ тўловчиларни давлатга эътирозлари камайишига эришилган.

Солиқлар давлат бюджетининг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Мамлакатда йиғилган солиқлар ҳисобига давлат ўзининг жамият олдидаги вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлади. Шундай экан, солиқлар ва солиқ муносабатларини бошқариш ҳар қайси даврда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган жабҳа саналиб келинган.

Ҳар қайси даврда ҳам солиқ муносабатлари ва сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлган. Хусусан, қадимги дунё ва ўрта асрларда солиқ муносабатлари тартибга солинмаганлиги, мазкур жараён тасодифий характерга эга бўлганлиги билан тавсифланади. Ўша даврлардаги солиққа тортиш тизимининг қуйидаги жиҳатларини алоҳида таъкидлаш мумкин: солиқлар кучлироқ, йирик қабилаларга тўланган, улар солиқларни ундиришда сув йўлини тўсиб қўйиш ёки бошқа зўравонлик воситаларидан кенг фойдаланишган.

*Жамиятда ижтимоий тузум ривожланиши ва такомили жараёнида солиқ сиёсати ҳам ўзгарган, солиқ муносабатлари замонавий мазмун-моҳият касб эта бошлаган.* Дастлаб, фуқаролар солиқларни давлатни уларга кўрсатаётган хизмати учун мажбурий тўлов сифатида қарашган бўлса, кейинги даврларда солиқларга жамият осойишталиги, тинчлиги ва ундаги адолатлилик учун тўлов сифатида қаралган. Маълум бир даврларда солиқлар кўрилиши эҳтимол бўлган зарар учун суғурта тўлови сифатида ҳам талқин этилган.

Аждодларимиз иқтисодий фикр юритиш борасида алоҳида ажралиб туришган. Улар савдо-сотиқ, молларни айирбошлаш, ишлаб чиқаришни талаб даражасига қараб ўстириш кабилар орқали бозор иқтисодиёти асосларига замин яратишган.

Шунингдек, Марказий Осиё ҳалқлари азалдан иқтисодий турмушнинг ажралмас қисми бўлиб келган солиқлар масаласини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиб келишган.

Чунки, ҳалқимиз ҳаётининг ҳам зафарли, ҳам оғир ва мусибатли кечган даврлари тарихида солиқларнинг ўз ўрни бўлиб, уни ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Солиқлар давлат пайдо бўлган даврларданоқ ҳар қандай жамият иқтисодий муносабатлари ва уларни бошқаришнинг асосий бўғинини ташкил этган. Ижтимоий-сиёсий институтлар ривожи айни вақтда солиқ тизимининг ҳам такомиллашувини тақазо қилган. Солиқнинг турлари, миқдори ва уларни ундириб олиниш усуллари ҳам хилма-хил бўлган.

Ватанимиз тарихининг қадимги даври (Кушон, Бақтрия, Марғиёна, Сўғдиёна, Хоразмда милоддан аввалги биринчи минг йиллик) зарварақларида ҳам солиқларнинг ўрни ҳақида фикрлар мавжуд. Давлатни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун солиқлар жорий этилган, яъни пул ва маҳсулотдан маълум қисми солиқлар кўринишида ундириб олинган. Айниқса, жон солиғи ва ер солиғи асосий солиқ(ўлпон)лар ҳисобланган.

Марказий Осиёда ҳукм сурган аҳмонийлар салтанати, шунингдек, Искандар Мақдуний империяси даврида ҳам иқтисодий ҳаётни бошқариш юзасидан ҳар бир вилоятга зодагонлардан нойиблар тайинланган. Гарчанд, солиқ муносабатларини бошқариш идоралари шакллантирилмаган бўлсада, ўлпонлар тизими орқали солиқ тўловчиларнинг хазина билан тузилган шартномаларига қатъий амал қилинган.

Араблар истеълоси даврида эса, бирмунча пухта ишланган ва давлат хазинасини тўлдиришнинг асосий манбаси сифатида закот – хайру эҳсон эҳтиёжлари учун ишлатиладиган солиқлар жорий этилган. Солиққа тортиш ижтимоий тангликни юмшатиш, маълум даражада тенгликни

ўрнатиш мақсадида амалга оширилган. Масалан, араблар ўз динларини қабул қилган кишиларга (хирож ва жузяларни тўлашдан бутунлай о̕зод қилиш ва бошқалар орқали) ҳар турдаги имтиёзлар беришган.

Мамлакат ривожи учун Бухорода Исмоил ибн Аҳмад (892-907 йй.) томонидан қатор ишларнинг амалга оширилиши солиқ сиёсатининг тўғри олиб борилишини таъминлаган ҳамда марказий ҳокимиятнинг мустаҳкамланишига хизмат қилган.

IX-X асрларда Мовароуннаҳрда ер уч тоифага бўлиниб солиққа тортилишини, хирож эса, мулки хирож номини олганлигини Ан-Насафий ас-Самарқандийнинг «Ал-қанд фи тарихи Самарқанд» асарида баён этилган. Бурҳониддин Марғинонийнинг (XII аср) «Ҳидоя» китобида солиқлар ва уларнинг миқдори тўғрисида маълумотлар келтирилганлиги эътиборган моликдир. Хусусан, ер ости бойликларининг (ўзлаштирилганидан) 20 фоизи, олинган ҳосилнинг 10 фоизи, орттирилган шахсий бойликнинг 2,5 фоизи миқдорида закот ундирилганлиги, шунингдек, ерларнинг ҳолат(сифати)га қараб, солиқларнинг миқдори табақалаштирилган ҳолда белгиланган.

Солиқ муносабатларини бошқариш тарихини ўрганишда Соҳибқирон Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсатини, хусусан, унинг ер солиғи тизимини тадқиқ этишнинг аҳамияти каттадир. Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, темурийлар давлати хазинаси асосан солиқлар, ўлпонлар, закотлар, турли мулклардан келган даромадлар ҳисобига тўлдирилган.

Солиқларнинг хирож (даромад солиғи); молу жиҳот (пул ва маҳсулот билан тўланадиган солиқ); тағор (ҳарбий

юришлар даврида аҳолидан тўпланадиган озиқ-овқат); тамға (ҳунарманд ва савдогарлардан йиғим); ихрожот (сарой харажатлари учун алоҳида олинадиган солиқ); бож, сари шумор (хонадонлардан йиғим); қўналға, ишлон пули (подшоҳ ва амирларнинг овқати учун хонабошидан ундириладиган солиқ); пешкеш (олий мартабаларга ҳадя); совурин (олий мартабаларга ҳадя учун бадавлат аҳолидан ундириладиган йиғим) ва бошқа турлари жорий этилган. «Тузуклар»да таъкидланишича, Соҳибқирон салтанатига содиқлик билан хизмат қилган сипоҳий ва раиятга нисбатан адолат билан солиқ сиёсатини юритган.

Марказий Осиё ҳудудида ҳам турли даврларда солиқларнинг мазмун-моҳияти, унинг давлат хазинасида тутган ўрни ва мамлакат ривожланишига таъсири турлича бўлган (1-илова). Масалан, улардан Амир Темур давридаги солиқ сиёсати бирмунча такомиллашганлиги билан ўзига хосдир.

Амир Темур солиқ тизимига жиддий ўзгаришлар киритган, жумладан, унинг ер солиғи тизимида ҳозирги замон ер солиғининг илк кўринишлари мавжуд эди.

***Амир Темур ва темурийлар даврида солиқ бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари.*** Амир Темур инсоният тарихида йирик давлат арбоби ва енгилмас лашкарбоши сифатида маълум.

Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари ҳам давлатнинг молия-солиқ сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, давлатни адолатли идора этишда хазинани маблағ билан таъминлаш юзасидан олиб борган молия-солиқ сиёсатининг эътиборга молик жиҳатлари унинг молия ва солиқ масалалари билан жиддий шуғулланганлигидан далолат берувчи қатор далилларни келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, унинг бу борадаги қарашлари фарзандларига васият этиб қолдирган «Темур тузуклари»да қуйидагича ифодаланган: *«Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб келади».*[1]

Унинг даврида мамлакат иқтисодиётида деҳқончилик ишлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ер эгалари бўлган деҳқонлар ва ерга ишлов берувчи ижарачилардан хирож ва ушр солиқлари, шунингдек, боғдорчилик ва чорвачилик ишлари билан боғлиқ бўлган мол

---

[1] «Темур тузуклари». Т.: Чўлпон, 1991. 98- б.

сардарахт, мол ўтлоқ, мол сувоқ, миробона солиқлари ҳам ундирилган. Ер солиғини ҳисоблашнинг ўзига хос механизми амал қилган. Унга кўра, етиштирилган ҳосилга ва ернинг сифатига қараб ҳосилнинг 1/10 дан (ушр) то 1/3 қисми миқдорида солиқ олинган. Савдогарлик ва ҳунармандлик фаолиятига нисбатан тамға ёки закот, хориждан келтирилган молларга бож жорий этилган. Юқоридаги солиқлардан ташқари мамлакат аҳолисидан ҳам молужиҳот - ер солиғининг бир тури; тағор - озиқ-овқатларни реквизия қилишда қўлланадиган натура солиғи; ихрожот - саройларга қараш учун махсус йиғим; бож - савдогарлардан чегарани кесиб ўтишда ундириладиган бож; сармушар - жон солиғи; хонамушар - ҳар бир хонадондан олинадиган йиғим; қўналға - элчи, амалдорлар, чопарларга сарфланадиган харажатлар учун йиғим; шилон пули - ноибларни зиёфат қилиш учун йиғими; пешкаш - юқори мансабдаги амалдорларга совға бериш учун йиғимлар ундирилган.

Амир Темурнинг тузукларида солиқ муносабатларини бошқаришга оид қоидалар ҳам қуйидаги талқинда келтирилган: *«Яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, доим узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларини ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинадиган ҳосилдан икки ҳиссасини раиятга, бир ҳиссасини олий саркорлик (салтанат хазинаси) учун олсинлар. Лалмикор ерларни эса, жарибларга бўлсинлар, ҳисобга олинган бу ерлардан (солиқ олишда) учдан бир ва тўртдан бир қоидасига амал қилсинлар»*[1]

Амир Темурнинг ер солиғини лалмикор ва суғориладиган қисмларидан алоҳида-алоҳида тартибда ундириш, янги ерларни ўзлаштиришни рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзларини бериш юзасидан ишлаб чиққан қоидаларининг ҳозирда ҳам эътиборга молик жиҳатлари борлигини кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Хусусан, бу масалада унинг тузукларида: *«Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олинмасин, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин»*[2],-деб таъкидлаган. Натурал солиқни ақча тўлови билан алмаштиришга рухсат берилган: *«Агар раият рўйхатга олинган ерларидан бериладиган солиқни нақд ақча билан тўлашга рози бўлса, нақд ақча миқдорини саркорнинг ҳиссаси ҳисобланган ғалланинг мазкур даврдаги нархига мувофиқ белгиласинлар».*[3] Шунингдек, Амир Темур юритган солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари сифатида, забт этилган ўлкаларга нисбатан алоҳида солиқ сиёсати стратегияси ва тактикаси қуйидагича белгиланган: *«Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар».*[4]

Амир Темур фармойишига биноан солиқ муносабатлари раҳм-шавқатга асосланган бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган: *«Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилгач, ҳосилни уч бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўловчи юбормасдан, солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон ишлатиш, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни банд этиб, занжир билан кишанламасинлар. Яна буюрдимки, хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш, қўрқитиш ва тушунтириш йўли билан ундирсинлар. Қайси ҳоким ҳукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камроқ бўлса, ундай ҳоким ҳукумат юргизишга яроқсиздур».*[5]

Амир Темур давлатни адолатли идора этишда солиқ сиёсатининг ўрни беқиёс эканлигини яхши тушунар эди. Унинг давригача солиқ йиғувчиларнинг маошлари солиқ тўловчилар ҳисобига қопланилган бўлиб, улар ўз шахсий манфаатларидан келиб чиқиб, қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ундиришга ҳам ҳаракат қилишганлиги боис, Амир Темур томонидан солиқ ундирувчилар фуқаронинг устига юк бўлмаслиги учун уларга маош тайинлаганлиги бунга мисолдир.

Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган бошқарув, хусусан, солиққа тортиш тизими адолатга асосланганлигини таъкидлаш ўринлидир. Унинг мукаммал жамият қуриш ғоясининг асосини мамлакатда ҳисоб-китоб ишларини тўғри ва аниқ юритиш ташкил этган. Илк марта хазина даромадлари солиқли ва солиқсиз тушумларга ажратилган. Хазина харажатлари таркибининг ўзгариш анъаналари таҳлил этилган. Масалан, харажатлар таркибида ободончилик, ижтимоий-маданий (фан,

---

[1] «Темур тузуклари». Т.: Чўлпон, 1991. 99-бет.
[2] Яна ўша манбадан, 99-бет.
[3] Яна ўша манбадан, 98-бет.
[4] Яна ўша манбадан, 98-бет.
[5] Яна ўша манбадан, 72-бет.

маданият, ижтимоий таъминот) ишларига сарф этилаётган ақчалар ортиб бораётганлиги кузатилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темур ва темурийлар даврида бир қадар тартибли солиқ тизими амал қилган.

Темурийлар даврида битилган «Маноқиби Хожа Аҳрор» китобида бошқарувчилар томонидан деҳқонлардан ундирилган солиқ ва ўлпонлар, уларнинг миқдори ҳақида фикрлар келтириб ўтилганлиги бундан далолатдир.

Алишер Навоий замондоши Ҳусайн Кошифий сиёсат мамлакатни тартибга солади, агар сиёсат бўлмаса, давлат ишларига зарар етади, деганида, бизнинг назаримизга кўра, солиқ сиёсатини ҳам кўзда тутган бўлса ажаб эмас.

Хусусан, Навоийнинг иқтисодий ғояларида солиқлар(закот)лар масаласи ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, унинг «Садди Искандарий», «Фарҳод ва Ширин», «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарларида «солиқ тўлашдин бош тортмасликни» маслаҳат беради, зеро, ундай қилиш бошқаларга, «ўз шерикларига жафо қилмоқлик» ила баробардир, дейди. Навоийнинг солиқ, бож-хирож тўлаш ҳақидаги фикрлари солиқ тизимининг тарихий асосларини билиб олишимизга ёрдам беради.

XVII аср охирларига келиб солиқлар кўпгина давлатлар бюджетининг асосий даромад манбаига айланиши солиқлар ва солиқ муносабатларини атрофлича ўрганиш зарурлигини тақозо этди. Айнан, шу даврдан бошлаб, иқтисодчиларнинг солиқларга ишлаб чиқариш ривожланишининг муҳим унсури ва мамлакат иқтисодий салоҳиятини ўстириш омили сифатида қарашлари юзага келган.

Солиқлар тарихини ўрганиш, *биринчидан,* турли мулк шаклларига асосланган иқтисодий фаолият юритиш тизими учун қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратишда,

*иккинчидан,* давлатнинг ўз зиммасидаги вазифаларини бажариш учун зарур бўлган молиявий манбаларни шакллантиришда, *учинчидан,* бозор иқтисодиёти шароитида янги ижтимоий-иқтисодий омилларни уюштириш орқали аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёрда сақлаб туриш имконини таъминлашда қадриятларимиздан ижобий фойдаланиш муҳимдир.

Солиқ муносабатлари (бож-хирож, ўлпон, закотлар тўлаш) тарихини ўрганиш, бу борадаги қарашларни тадқиқ қилиш, уларни маълум тизимга солиш, солиқ муносабатларини бошқаришни оптималлаштиришда манба сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир.

**Солиққа тортишнинг классик назариялари (А.Смит, Д.Рикардо, ва бошқалар)**

XVII аср охирида солиқ назарияси ҳамда солиққа тортиш муаммолари фаол ўрганила бошланди. *Солиққа тортиш назариясининг асосчиси, буюк иқтисодчи олим Адам Смит ҳисобланади*[1]. У солиққа тортиш борасидаги қарашларини ўзининг «Миллатлар бойлиги ...» асарида кўрсатиб берган.[1] *А.Смит томонидан ишлаб чиқилган солиқ назарияси асосини солиққа тортишнинг тўрт, яъни: адолатлилик, қулайлик, тенглик ва арзонлик тамойиллари ташкил этади.* Олимнинг фикрига кўра, юқорида қайд этилган тамойиллар асосида ташкил этилган солиқ тизими энг мақбул ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, А.Смит ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган *солиққа тортишнинг классик назарияси ўз давридаги солиқ амалиётидан юз йиллаб илгарилаб кетган*

---

[1] Смит Адам (1723-1790 йй), шотланд иқтисодчиси, 1776 йилда "Миллатлар бойлиги" асарини яратган. // Словарь современной экономической теории Макмиллана. – М: ИНФРА – М, 1997, сс. 457-458.

*бўлиб, уларни ҳозирги кунда ҳам ўрганиш ўз долзарблигини йўқотмаган.*

**Ж.Кейнс, М.Фридман, А.Лаффер назарияларида солиқ муносабатлари**

ХХ асрда Ж.Кейнс, М.Фридман, М.Борнс, Г.Стайн, А.Лаффер ва бошқа иқтисодчилар томонидан қатор ўзига хос солиқ назариялари яратилди.

Масалан, америкалик иқтисодчи Ж.Кейнс ўзининг назариясида солиқлар иқтисодиётни бошқариш ва уни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида талқин этган. *Унинг томонидан бўш турган маблағлар(омонатлар) иқтисодиётни ўсишига тўсиқ бўлиши, уларни солиқлар ёрдамида ундириш лозимлиги таъкидланган.*

Таниқли инглиз иқтисодчиси ва давлат арбоби, Кейнс таълимотининг асосчиси *Жон Мейнард Кейнс* (1883-1946) Кембриджда таваллуд топган. Мактабдан сўнг Жон *Итон номидаги хусусий коллежга* ўқишга кирган; ўша вақтнинг ўзида унинг истеъдоди намоён бўла бошлаган. Кейнс классик адабиёт, математика ва тарих бўйича мукофотлар совриндори бўлган, илмий мақолалар ёзган, турли хил баҳсларда фаол иштирок этган, спорт билан мунтазам шуғулланган. Кейинчалик таълимни *Кембридж университетининг Қироллик коллежида* давом эттирди ва ушбу ўқув масканида унинг асосий фани иқтисодиёт бўлди. У А.Маршалл маърузаларини тинглар, А.Пигу семинарларига қатнашар, имкон қадар барча иқтисодий адабиётларни ўрганар эди. Университетни тамомлагандан сўнг *Давлат хизматининг Ҳиндистон ишлари бўйича Бошқармасига* ишга кирган, лекин у ердаги ишни зерикарли топиб, икки йилдан сўнг Бомбейга кетади.

1909 йилда устози А.Маршалл таклифига кўра Кембридж университетига ишга келади ва у ерда 1915 йилгача маърузалар ўқийди. Ушбу давр мобайнида у «Эҳтимоллар тўғрисида трактат», «Ҳиндистон валютаси ва молияси» каби илмий асарларини ёзди. Мазкур ишлари ҳукумат томонидан аъло даражада баҳоланиб, у қироллик комиссияси аъзолигига тайинланади. II Жаҳон урушидан сўнг Жон ўзининг *«Версаль келишувининг иқтисодий оқибатлари», «Пулислоҳотлари тўғрисида трактат»* каби асарларини ёзди.

1936 йилда Кейнснинг асосий иши «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» номли асари нашр этилиши билан иқтисодий таълимотлар ривожланишида туб бурилиш ясалди. Муаллиф ушбу илмий асарида А.Смит ва Д.Рикардоларнинг классик таълимотига қарши ўз таълимотини илгари суради. У иқтисодий жараёнларни микро ва макро даражага ажратиб ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Кейнс иқтисодиётни давлат томонидан мувофиқлаштириш тизими асосчиси ҳисобланади. Унинг талаб ва таклиф, бандлик, инфляция ва бошқа бозор воситалари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги борасида билдирган фикрлари жаҳон иқтисодчилари томонидан тан олинган. Макроқтисодий мувофиқлаштиришнинг Кейнсча модели АҚШ ва Буюк Британияда 30-йиллардаги «турғунлик даври» ҳамда иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда инқироздан чиқишда асосий рол ўйнаган. Унинг таълимоти ХХ асрнинг 70-йилларигача энг мукаммал ҳисобланган.[1]

Кейнсча таълимот асосида давлатнинг фаол фискал сиёсати ётади, бунда, солиқ бетарафлигининг неоклассик

[1] Қаранг: Бункина М.К., В.А.Семёнова. Макроэкономика: Учебник. -М.:Дело и Сервис, 2000. - 512 с.

таълимотига кўра, иқтисодиётга давлатнинг тўғридан-тўғри эмас, балки бевосита таъсири ётади «Laisser faire passez» классик тамойили ' таклиф иқтисодиёти тарафдорлари томонидан “Trop dimpot tuell impot” (катта солиқлар солиқларни ўлдиради) сифатида қайд этилган.

Ушбу нуқтаи-назарда солиқлар уларни тўловчилар учун юк бўлмаслиги, балки мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантирувчи омиллардан бири бўлиши лозимлиги таъкидланган(8-чизма). Ҳукуматнинг солиқ сиёсати мамлакатда солиқ солиқ ундиришнинг маъқул механизмини яратишга йўналтирилган бўлиши, у жамғармалар ва инвестицияларни рағбатлантириш омили бўлиши муҳимдир.

***8-чизма.***

**Солиқ ставкаларини пасайтиришнинг иқтисодий моҳияти**

*Нархлар даражаси*




*Ҳақиқатдаги миллий ишлаб чиқариш қиймати*

Энг юқори солиқ ставкалари пасайтирилганда меҳнат таклифи ҳамда тадбиркорликка рағбатлар ошади, жамғармалар ва инвестициялар кўпаяди. Бу эса, AS эгрисидан AS¹ эгрисига ўтиш имконини беради (таклифдаги нисбатан юксак эгри чизиқ) натижада нархлар даражаси

пасайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ўсади.

XX асрнинг 50-йилларида М.Фридман томонидан илгари сурилган монетар назарияда солиқлар пул муомаласини баҳолаш асосида ўрганилган. *Иқтисодчининг қарашларига кўра, солиқлар муомаладаги ортиқча пул миқдорини камайтириши орқали пул муомаласига таъсир кўрсатади ва шу орқали иқтисодиётнинг ривожланишига таъсир этувчи салбий омилларни камайтиради.*

**Америкалик иқтисодчи, монетаризм мактабининг асосчиси, Нобель мукофоти соҳиби *Фридман Милтон* – 1912 йилда Нью-Йорк шаҳрида, Шарқий Европадан келган камбағал иммигрантлар оиласида дунёга келди.**

**1928-1932 йилларда Фридман Рутгертс университетини тамомлагач, унга икки йўналиш: математика ва иқтисодиёт бўйича бакалавр даражаси берилди. Ундан кейин, у Чикаго университетининг магистр даражасини олди (1933). Оз фурсат Колумбия университети билан ҳамкорлик қилиб, кейинчалик Чикагога қайтади.**

**Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШ казиночилигида солиқлар, шунингдек, ҳарбий-иқтисодий тадқиқотлар билан шуғулланган. Урушдан кейинги даврда Маршал режасини амалга оширишда ёрдамчи бўлиб фаолият кўрсатган. 1948 йили Фридман яна Чикаго университетига қайтади ва сермаҳсул илмий фаолиятини бошлайди. М.Фридман *пул муомаласи, нарх, истеъмол назариялари ва методологияси муаммолари* билан шуғулланиб, унга машҳурликни келтирган қатор монографик тадқиқотларни тайёрлади: *«Монетар барқарорлик дастури» (1959), «Пул назарияси ва сиёсатида урушдан кейинги анъаналар» (1963), «Пул ва фискал сиёсат»(1969), «Пул назариясида контрреволюция» (1970), «Пул ва иқтисодий ривожланиш» (1973), «Ишсизлик ва инфляция?» (1975), «Капитализм келажаги» (1977), «Иқтисодиёт ва сиёсатда кўринмас қўл» (1981) ва бошқалар.* 1967 йили Милтон АҚШ иқтисодий ассоциацияси президенти этиб тайинланди[1].**

**Фридман ўз даврининг етук иқтисодчилари С.Кузнец, Г.Саймон (Нобель мукофоти соҳиби, 1971), Ф.Найт, Ж.Винер билан ҳамкорликда ишлаган бўлиб, ўзига хос неоклассик мактабнинг асосчиси ва етук намоёндаси ҳисобланади.**

XX аср 80-йилларида М.Борнс, Г.Стайн ва А.Лафферлар томонидан таклиф иқтисодиёти назариясига асос солинди. Ушбу назарияда ҳам солиқлар иқтисодиёт ўсиши ва ривожланишининг муҳим омили сифатида эътироф этилган. *Мазкур назарияга кўра, солиқ оғирлиги камайтирилиши мамлакатда тадбиркорлик ва инвестицион фаолликнинг кескин ривожланишига олиб келади.*

Таклиф иқтисодиётининг асосий назарий постулати А.Лафферниң машҳур солиқ эгрисида ўз аксини топган.

---

[1] Қаранг: Бункина М.К., В.А.Семёнов. Макроэкономика: Учебник. -М.: Дело и Сервис, 2000. - с.512.

Унда давлат бюджети солиқ тушумлари, солиқ ставкалари ва миллий ишлаб чиқариш даражалари ўртасидаги ўзаро алоқа акс эттирилган. Унга кўра, солиқ ставкалари юқори даражада амалга оширилиши, солиқ тўловчиларнинг солиққа тортиш базаси бузилиши ҳисобига бюджетта солиқ тушумларининг қисқаришига, охир оқибатда, субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолияти рағбатлардан маҳрум этилишига олиб келади.

Таклиф иқтисодиёти тарафдорлари, статистик маълумотлар асосида, солиққа тортишнинг энг маъқбул ставкаларини аниқлашган. Ушбу мактабнинг машҳур вакили М.Фелдстейн даромад солиғи ставкаси 42 фоиз бўлиши кераклигини асослайди, америка солиқ ислоҳотлари лойиҳаси муаллифлари сенаторлар Бредли ва Гефард унинг 30-35 фоизлик даражасини таклиф этишди, М.Фридман эса, чегарани 25 фоиз даражасида белгилаш лозимлигини қайд этган. Мазкур нуқтаи-назарларнинг энг сўнггиси, яъни 25 фоизлик даражаси А.Лаффер назарий моделига бир мунча мосдир. Шундан кўриниб турибдики, солиққа тортишнинг энг маъқул ставкаси 15-25 фоизлар ўртасидадир (аслида Лафферининг нуқтаи-назарига кўра, фойдага энг маъқул солиқ ставкаси 20-25 фоиздан ошмаслиги лозим).

Таклиф иқтисодиётининг яна бир мақсади турли субъектлар ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига солиқ имтиёзларини бекор қилишга қаратилганлигидир. Бу борада, таклиф иқтисодиётининг бош тамойили қуйидагича ифодаланади: юқори солиқлар – катта солиқ имтиёзлари берилишини ва аксинча, қуйи даражадаги солиқлар – солиқ имтиёзларини бекор қилишни назарда тутади. Адолат нуқтаи-назаридан таъкидлаш жоизки, А.Лаффер ғояси қатор

иқтисодчилар томонидан танқид қилинган. Танқид моҳияти шундан иборат эдики, солиқ ставкаларини пасайтириш бюджет даромадлари камайишининг олдини олиш, ишлаб чиқариш ҳамда даромадлар ўсиши туфайли солиқ базасининг унга мос ҳолда кенгайиши тўғрисидаги Лаффер таклифи ўта соддалаштирилган. Уни қисқа муддатли, яъни тактик мақсад йўлида амалга ошириш шубҳали топилиб, Лаффер тавсияларига мос ҳолда қабул қилинган чора-тадбирларнинг амалий натижаси давлат бюджети тақчиллиги бўлади, деган хулосага келинган эди.

**Ривожланган мамлакатларда солиқ тизимини ривожлантириш анъанаси**

Солиқ тизимининг таркиби ва турлари бўйича ривожланган мамлакатларни икки гуруҳга: асосий улуши тўғри солиқларга тўғри келадиган (АҚШ ва бошқ.) ва асосий салмоқни эгри солиқлар ташкил этадиган давлатлар (ЕИ мамлакатлари ва бошқ.)га ажратиш мумкин.

АҚШ солиқ тизими федерал ҳукумат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан асосий солиқ турларининг параллел равишда фойдаланилиши билан тавсифланади. Бундай солиқлар таркибига даромад солиғи, аниқ товарлар учун акцизлар, ижтимоий суғурта, таъминот жамғармаларига бадаллар, мерос ва совғаларга солинадиган солиқларни киритиш мумкин. АҚШ федерал ҳукумат солиқ тизимида даромад солиғи, штатларнинг солиқ тизимида универсал ва махсус акцизлар асосий ҳисобланса, маҳаллий солиқ тизимида мол-мулк солиғи муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда тўғри солиқларнинг 40 фоизи, энг йирик фискал йиғим ҳисобланадиган, федерал даромад солиғи ҳиссасига тўғри келади.

АҚШда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш объекти «иш юритиш»га (тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, транспорт,' махсус кийимлар ва бошқ.) сарфланган харажатлар чегирилган ҳолдаги корпоратив бизнесдан олинган шахсий даромад ҳисобланади. Бунда трансфер тўловлари, узоқ муддатли капитал активларни сотишдан олинган даромаднинг ярми, облигациялар бўйича фоизлар ва бошқа шу каби ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган даромадлар солиққа тортиладиган базадан қисман ёки тўлиқ чегирилади. Солиққа тортиладиган даромадга жисмоний шахсларнинг барча даромадлари, хусусан, ёлланма ишчилар иш ҳақи, эркин касб эгаларининг даромади, қалам ҳақлари, якка тартибдаги меҳнатдан олинган тушумлар ва бошқалар киритилади. Мазкур солиқни ҳисоблашда солиқ тўловчининг фарзандлари ёки қарамоғидагилар сони, шахсий ёки ижарага олинган уйда яшаши, саломатлиги ва шу каби омиллар ҳам ҳисобга олинади.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар солиқ тизими АҚШ солиқ тизимига муқобил ҳисобланади. 1998 йилда Европа Иттифоқи мамлакатларида даромад солиғи 24 фоизни ташкил этган бўлиб, бу истеъмол солиқларининг (1/3 атрофида) улушидан камдир (1-жадвал). Кўпгина солиқлардан (50 тури атрофида) ташкил топган ва федератив тузилишга эга Германия солиққа тортиш тизими ҳам ўзига хосдир. Ушбу мамлакатда ҳар бир солиқ тури бўйича махсус қонунлар амал қилиб келган. Германияда солиқ тўловчилар учинчи шахс (солиқ маслаҳатчилари, солиқлар бўйича масъуллар, адвокатлар, аудиторлар) ёрдамидан фойдаланиши мумкин.

*1-жадвал*

***Ривожланган мамлакатлардаги солиқлар таркиби***

(жами солиқлардаги улуши %)

***2001 й.***

| | **АҚШ** | **ЕИ** | **Япония** |
|---|---|---|---|
| Даромад солиғи | 41 | 24 | 19 |
| Корпоратив солиқ | 9 | 6 | 13 |
| Мол-мулк солиғи ва бошқа тўғри солиқлар | 11 | 8 | 11 |
| Суғурта жамғармаларига бадаллар | 23 | 32 | 38 |
| Истеъмол солиқлари | 16 | 30 | 19 |

Манба: «OECD Economic Outlook», № 69, 2002.

Ушбу хизмат «Солиқ маслаҳатчилари» тўғрисидаги махсус қонун билан тартибга солинади. Ушбу хизматни кўрсатиш бўйича сертификатга эга бўлмаганлар томонидан кўрсатилган хизмат учун 500 евро миқдорида жарима солинади.

Бошқа иқтисодий ривожланган мамлакатлардаги каби Германияда ҳам бюджет даромадларида асосий салмоқни истеъмол солиқлари ташкил этади. Масалан, ҚҚС товар ва хизматлар истеъмолчига етиб боришининг барча босқичларидан ундирилади. Солиққа тортиш объекти бўлиб ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг ҳар бир босқичида қўшилган қиймат ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқатлар, тиббий ва босмахона хизматлари, транспорт ва бошқа ижтимоий мақсаддаги хизматлар 7 фоизлик ставкада солиққа тортилади. Экспорт, денгиз флоти ва фуқаро авиацияси учун ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек, қимматли қоғозлар муомаласи билан боғлиқ кредит операциялари солиққа тортилмайди. Солиққа тортишдан почта, банклар, суғурта компаниялари, айрим ижтимоий-маданий муассасалар хизматлари, шунингдек, кичик, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги

корхоналари озод этилган.

90-йилларда Европа Иттифоқида амалда бўлган солиқ турлари ва солиқ ставкаларини тартибга солиш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Ўша даврларда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар солиқ тизимларининг турлича бўлганлиги солиқ қонунчилигининг мослашувчанлигига маълум даражада тўсқинлик қилганлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Юқорида қайд этилган солиқ тизимининг муқобил гуруҳларига Япония кирмайди. Чунки, унинг бюджет даромадларида даромад ва истеъмол солиқларининг улуши бир хил (ўртача 20 фоиз атрофида). Япония ҳукумати ўз маблағларини (30 фоиз атрофида) нобюджет фондларга ажратмалар ҳисобидан шакллантиради. Ушбу ажратмаларга ижтимоий суғурта ва ёлланма меҳнат билан шуғулланадиган шахсларни ижтимоий таъминлаш учун тўланадиган ажратмалар киритилган бўлиб, улар тўғри солиқлар ҳисобланади.

Ижтимоий таъминотни молиялаштириш манбаи бўлиб, давлат ижтимоий суғурта жамғармаси, давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари, пенсия фондлари ҳисобланади. Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси ишчилар, тадбиркорлардан ундириладиган бадаллар ва давлат бюджети дотациялари ҳисобига ташкил этилади. Ушбу фонд ресурслари инвестицион фаолиятдан олинган даромадлар билан тўлдирилиб борилади. Ижтимоий суғурта бадаллари мажбурий бўлиб, улар солиқ тўловлари сифатида талқин этилади.

Сўнгги йилларда, иқтисодий ривожланган мамлакатларда

ўз миллий солиқ тизимлари ислоҳ этилмоқда. Масалан, АҚШда 2007 йилгача истеъмол солиғини 60 млрд. АҚШ долларга қисқартириш кўзда тутилмоқда. АҚШ ҳукуматининг таъкидлашича, солиқ ставкаларининг пасайтирилиши мамлакат иқтисодий ҳолатининг яхшиланишига омил бўлади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳам солиқ юкининг пасайтирилиши назарда тутилган.

Хусусан, 1998 йилда Германия ҳукумати солиқ ставкаларини пасайтириш юзасидан ислоҳотларни амалга оширишини эълон қилди. Унга кўра, 2001-2005 йилларда жисмоний ва юридик шахслар солиқларини 56 млрд. немис маркаси(27 млрд. АҚШ доллар)га камайтирилиши таъкидланганлиги, ислоҳ қилиш асосан иш хақидан олинадиган даромад ва капиталдан олинадиган даромаддан ундириладиган солиқларга дахлдор бўлиши ҳамда улар 3 босқичда амалга оширилиши таъкидланди. Масалан, мамлакатда корпоратив солиқ юки пасайганлиги (2000 йилда 51,6 дан 2001 йилда 39,4 фоизгача туширилиши) ислоҳот самарасидир.

Турли мамлакатларда ундириладиган солиқлар таркиби ва ставкалари ҳам такомиллашиб бормоқда (2-илова). Хусусан, Франция ҳукумати 2001-2003 йиллар мобайнида 120 млрд. франк(86 млрд. АҚШ доллар)гача, Италияда эса, 20 трлн. лира (9 млрд. АҚШ доллар) атрофида солиқ юки камайтирилиши таъминланди. Ирландияда корпоратив солиқ ставкаси 20 фоиз (ЕИ мамлакатларида энг кичик) даражада белгиланди.

1996-2001 йилларда ривожланган мамлакатларда

корпоратив солиқ ставкаси ўртача 37,5 дан 33 фоизгача пасайтирилди. Лекин корпоратив солиқларни пасайтириш истеъмол солиқларининг ортиши ҳисобига амалга оширилди ва бюджетни тўлдиришда улар самарали манба бўлиб қолди.

**Даромад(фойда)ни солиққа тортишда солиқ тамойилларини оптималлаштириш**

Эркин концепцияга мувофиқ фойдани солиққа тортиш бўйича имтиёзнинг камайтирилиши солиқлар ёрдамида иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларини ривожлантиришда давлат таъсирининг пасайишига олиб келади ва бу ҳолда, устуворлик бозор муносабатлари таъсирида кечади. Назарий жиҳатдан бу ҳолат кўпинча солиққа тортишнинг бетарафлик тамойилини ҳаётга жорий этиш билан узвий боғлиқликда кечади.

Тадбиркорлик фаолияти ҳамда унга мос ҳолдаги фойдани солиққа тортишда ушбу тамойил капиталнинг қўлланилиш соҳалари ва иқтисодий фаолият турларидан қатъий назар солиқ ундиришнинг адолатлиликка асосланганлиги билан ифодаланади. Бироқ, қатор мамлакатлар учун фойдани солиққа тортишда имтиёзларнинг аҳамияти салмоқли ҳисобланади. Бу тўғрисида, хусусан, XX - асрнинг 90-йилларида қатор етакчи мамлакатлар бўйича япон экспертлари берган баҳо гувоҳлик беради. Мазкур баҳолашларга кўра, солиқ имтиёзлари АҚШ, Англия, Германия, Япония (20,0; 25,0; 16,0 ва 4,0 фоизлари мос ҳолда) фойдадан солиқ тушуми камайишига олиб келади. Ҳақиқатда ҳам барча мамлакатларда, Япония истисно қилинганда, фойдани солиққа тортишнинг пасайиши солиқ имтиёзлари кенг қўлланилиши оқибатида сезиларли бўлганлигини таъкидлаш лозим. Япония мисолидаги алоҳида вазият эса, бу

мамлакатда ўзига хос солиқ сиёсатини юритишнинг(фойдага юқори солиқ ставкаларининг - 50 фоизга яқини - кичик ҳажмдаги солиқ имтиёзлари билан қўшилиши)' самараси бўлиб, у, нисбатан фискал моҳият касб этганлиги билан изоҳланади. Фойдани солиққа тортишдаги бундай йўналишни тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсири, ўз навбатида, фаол саноат сиёсатини юритиш билан бартараф этилади.

Умуман олганда, фойдани солиққа тортишда фискал ва рағбатлантирувчи функцияларнинг ўзаро оптимал ҳолда қўлланилиши деярли барча ривожланган мамлакатларда ялпи солиқ даромадларида, айниқса, якка тартибда ундириладиган даромад солиқлари ва асосий эгри солиқларни ундириш жараёнида уларнинг таъсирини мўтадиллаштиришда сезиларли аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирги кунга қадар, халқаро солиқ амалиётида мукаммал солиқ тизими мавжуд эмас. Шу боис, барча мамлакатлардаги солиқ сиёсатининг илмий-амалий асосларини ўрганиш, самарали ва адолатли солиққа тортиш услубиятини ишлаб чиқиш юзасидан изланишлар амалга оширилмоқда.

***Мавзу бўйича хулосалар:***

*– солиқ муносабатларини бошқаришни ташкил этиш жамият ривожланишининг муҳим омили эканлиги таъкидланди;*

*- солиқ тизими тарихий трансформациясининг натижаси сифатида ўрганиб чиқилди. Хусусан, Амир Темур солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилди;*

*– солиқ менежменти назарияларининг умумий ва фарқли жиҳатлари баён этилди.*

***Мавзунинг таянч иборалари:***

*солиқ сиёсати, солиқ муносабатлари, солиққа тортиш назарияси, солиқ тамойиллари, солиқ иқлими, фискал солиқ сиёсати, солиқ концепцияси, А.Лаффер солиқ эгри чизиеи.*

***Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:***

*1. Солиқ муносабатлари ва уларни бошқаришнинг аҳамияти.*

*2. Қадимги ва ўрта асрларда солиқ муносабатлари.*

*3. А.Темур даврида солиқ муносабатлари ва уларни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.*

*4. Солиқ менежменти назариялари (А.Смит, Ж.Кейнс, М.Фридман ва бошқалар).*

*5. А.Лаффернинг солиқ эгри чизиги.*

***Фойдаланилган адабиётлар:***

*1, 3, 5, 7, 8, 20, 21, 30, 31, 40, 41, 42, 44, 47, 51, 52*

# III боб. ЗАМОНАВИЙ СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Солиқ тизими ва унинг мазмун-моҳияти**

Жамиятнинг ривожланиш тарихида солиқлар тўғрисида хилма-хил фикр-мулоҳаза ва назарияларнинг ўзига хос ўрни мавжуд бўлиб, уларни таҳлил қилиш орқали самарали солиқ тизими моделини янада такомиллаштириб бориш имконияти юзага келади.

Хўжалик юритиш халқаро амалиётининг энг мураккаб ва қарама-қаршиликларни ўзида акс эттирувчи муаммоларидан бири - солиқлар муаммосидир. Солиқлар ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун давлат томонидан қонунийлик замирида жорий этилган қоидалар асосида ундириб олинадиган мажбурий тўловлар бўлиб, давлат бюджети даромадлари асосан улардан (ўртача 50-95%) ҳосил бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети даромадларининг ҳам асосий қисми солиқлар ҳисобига шакллантирилади. Солиқлар - мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради[1]. Шу нуқтаи назардан солиқ тизими - солиқ турларининг йиғиндиси бўлиб, давлат бюджети тизимининг таркибий қисми ҳамдир. Солиқлар ва йиғимларни жорий этиш ҳамда уларни ундириш шакл ва усулларини қўллаш, яъни солиқ тизими орқали давлат харажатларининг асосий қисми молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

- умумдавлат солиқлари;
- маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади.

---

[1] Қаранг: Қ.Яҳёев. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик (қайта ишланган). -Т., 2003. 9 - бет.

Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки у ваколат берган давлат органи томонидан белгиланади[2].

Солиқ солиш - юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади. Олинган манбаларидан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши шарт[1].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгилайди, солиқ ишларини юритиш тартиботини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни тартибга солиб туради[2].

Миллий даромадни қайта тақсимлаш механизмларидан бири бўлган солиқлар орқали давлат бюджети даромадларини шакллантириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда улардан самарали фойдаланиш, айниқса, солиқ тўловларининг амалга оширилишида томонлар манфаатларини мувофиқлаштириш назарда тутилади. Солиқ механизми - солиқ ишини ташкил қилишнинг элементлари, тамойиллари ва услублари мажмуасидир. Уни такомиллаштиришда, айнан, ўзаро боғлиқ бўлган мазкур мажмуани такомиллаштириш тушунилади.

Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, солиқ механизми мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаоллигига таъсир этувчи омиллардан биридир. Шу нуқтаи назардан, солиқ тизими ва унинг ўзига хос

---

[2] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Меъёрий ҳужжатлар тўплами - Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2003. 2-боб, 5-модда, 5-6 бетлар.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Меъёрий ҳужжатлар тўплами - Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2003. 2-боб, 4-модда, 5 бет.

[2] Ўша манбадан, 1-боб, 1-модда, 4 бет.

хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Юридик ва жисмоний шахслар амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, белгиланган тартибда солиқ тўловчилар ҳисобланади. Улар томонидан тўланадиган солиқлар хилма-хилдир (9-чизма).

***9-чизма.***




Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига

---

[1] Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган солиқлар тизими амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилди.

[2] Юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги 567- сонли қарори. 2003 йил, 25 декабрь// «Солиқлар ва божхона хабарлари» газетаси, 2004 йил, 23 январь.

мувофиқ барча юридик шахслар белгиланган тартибда умумдавлат ва маҳаллий солиқларнинг тўловчилари ҳисобланади.

Солиқларни ундириб олишда, илмий-амалий жиҳатдан уларнинг асосланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Солиқ механизмининг таъсирчанлиги мамлакат ривожи йўлидаги кўп қиррали туркум вазифаларни бажариш жараёнида намоён бўлади.

Мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш даврида солиқлар роли ортиб, улар энг муҳим иқтисодий механизмга айланиб қолди.

Солиқ тизими ва унинг амал қилиш механизми - бозор муносабатлари шароитида айнан мамлакатдаги тадбиркорлик фаоллиги ва иқтисодий ўзгаришлар муваффақиятини белгилаб беради.

Мамлакатимизда амалиётга жорий этилган солиқ Кодексининг аҳамиятли жиҳати шундаки, *бир томондан,* у солиқ муносабатларини мажмуалилик, тизимлилик ва изчиллик негизида босқичма-босқич такомиллаштира бориш орқали *солиққа тортишнинг:*

- *тамойиллари;*
- *тизими;*
- *турлари;*
- *ҳисоб-китоблари;*
- *ҳуқуқий асослари* каби жиҳатларини ўзида мужассам этган, *иккинчи томондан,* солиқ қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатларни тартибга солиб, у солиқ тизимининг яхлит-барқарор ҳуқуқий асоси бўлиб қолмоқда.

Бу борадаги муаммолар илмий-назарий баҳс, фикр алмашувларнинг объекти сифатида, молия муносабатларини такомиллаштириш, иқтисодий ривожланиш жараёнида бюджет сиёсати ҳам, солиқ сиёсати ҳам молия сиёсати доирасида давлатнинг иқтисодиётга таъсирини ўзида акс эттирувчи солиқларнинг:

- «манба яратувчи»;
- «ташвиқ қилувчи-йўналтирувчи»;
- «мажбурловчи»;
- «руҳий таъсир этувчи» ва шу каби функцияларида намоён бўлиши, уларнинг - дастаклар сифатида кенгроқ тадқиқ этилишини йўлга қўйиш заруратини келтириб чиқарди.

Шу ўринда, солиққа тортишни қиёсий таҳлил этиш ҳам фойдали бўлиб, бунда халқаро солиқ тажрибасини, асосан ривожланган мамлакатлар мисолида, хусусан, АҚШ, Англия, Франция, Германия, Италия, Япония ва бошқа қатор давлатларнинг турлича дастаклар ёрдамида, миллий иқтисод ривожи учун шарт-шароитлар яратиб берган «муҳофазакор» сиёсатини мисол қилиб келтириш мумкин.

Халқаро солиқ муносабатларини ўрганишнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, мазкур мамлакатлар «аралаш иқтисодиёт» орқали эркин тадбиркорликка кенг йўл очиб беришган. Тадбиркорлик фаолияти эса, асосан солиқ сиёсати таъсирида давлат томонидан тартибга солиб турилади.

«Ўзбек модели»[1] ривожланишининг иқтисодий, ижтимоий - сиёсий тамойилларини инобатга олган ҳолда ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги бой назарий - амалий

---

[1] Ҳозирда бу термин кенг қўлланилмоқда (муаллифлар).

тажрибасини қиёсий таҳлил асосида ўрганиш орқали уларнинг солиқ тизимлари афзалликларидан самарали фойдаланган ҳолда, давлатимизнинг ҳам миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватловчи молия ва пул сиёсатини айниқса, солиқлар борасидаги тадбирларни изчиллик билан амалга оширишнинг мавжуд имкониятларидан янада самарали фойдаланиш мумкин бўлади. Бу ўз навбатида, мамлакат иқтисодий юксалиши учун мустаҳкам таянч ролини ўйнайди ҳамда солиқ стратегиясининг устувор йўналишлари мажмуасини мукаммал ишлаб чиқиш имконини яратиб, солиқ механизмини янада такомиллаштириш учун асос бўлади.

Солиқ тизимининг самарали бўлиши унинг товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга таъсирини ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Айнан, шундай саъйи-ҳаракат негизида мамлакат солиқ муносабатлари сифат жиҳатидан янги ривожланиш даражасига кўтарилади.

*Бу тизим ўзида:*

*- қонунчилик, адолатлилик тамойилларига асосланган солиқ механизмини янада такомиллаштириш;*

*- замонавий солиқ хизмати идоралари фаолиятини изчиллик билан олиб бориш;*

*- солиқлар ва солиққа тортиш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали механизмини яратиш;*

*- мамлакатда солиқ назарияси асосларини ишлаб чиқиш ва муваффақият билан амалиётга жорий этиш;*

*- солиқ тўловчиларда юқори солиқ маданиятини қарор топтириш;*

*- миллий иқтисодиёт ривожида самарали таъсирга эга бўлган солиқ имтиёзларини қўллаш каби қатор, туб сифат ўзгаришларини мужассам этганлиги билан изоҳланади.*

Солиқлар, уларнинг олдига қўйилган кўп қиррали вазифаларни бажариб, мамлакат иқтисодий ривожига етакчи таъсир ўтказувчи унсурлардан бирига айланади. Улар таъсирида солиқ муносабатлари тартибга солиниб, солиқ қонунчилиги мустаҳкамланади, шунингдек, солиққа тортишнинг энг мақбул ставкалари даражалари аниқланиб, солиққа тортиш базаси янада кенгаяди ва солиқ субъектлари сони ортади.

Солиқ менежментига таъсир этувчи омиллар ва шарт-шароитни шакллантириш унинг мақсадли тизим эканлигини кўрсатади. Бу жараёнда, иқтисодиётнинг сифат ва сон кўрсаткичи, маълум давр оралиғида солиқ тизими таъсирида бўлади. Солиқ менежментининг услубий-амалий жиҳатдан мураккаблиги, солиқларнинг бир вақтнинг ўзида иқтисодий - молиявий, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий ҳодиса эканлигидан, шунингдек, мазкур бошқарувнинг кўп қиррали ва таркибан кўп бўлинмалилиги оқибатидандир. Солиқ менежментининг бу сифати, объектив равишда, унга кўп мақсадлилик хослигини кўрсатади.

Аммо, давлатнинг солиқ тизимини шакллантириш ва уни ривожлантиришнинг бош омилларига асосланиб таъкидлаш мумкинки, солиқ менежментининг мақсади давлатнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсий манфаатларига кўра аниқланади. Айнан, шу мезонларга биноан, солиқ тизимининг самарадорлиги, унинг функционаллигида мақсадларга эришганлик кўрсаткичлари баҳоланади.

**Солиқ менежменти-бошқарув тизими сифатида**

*Тизим сифатида солиқ менежменти солиқ тўловчи суъбектлардан турли бюджетларга мажбурий ва қайтимсиз тўловлар кўринишидаги пул оқимини режалаштиради, мувофиқлаштиради ва унинг назоратини уюштиради.*

Таъкидлаш лозимки, бу таъриф солиқ менежментининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Масалан, бу жараённинг мақсадга йўналтирилганлигидан келиб чиқиб, қайд этиш керакки, солиқлар, бир томондан, давлат бюджети даромадларининг асосий манбаси саналса, бошқа томондан, уларнинг мувофиқлаштирувли таъсирга эга эканлиги (солиқ жарималари, чегирмалари, имтиёзлари ва шу кабилар орқали) давлатнинг иқтисодий ҳолатини сифат ва сон жиҳатдан бошқариш орқали тадбиркорлик субъектларига, алоҳида соҳа(тармоқ)ларга, аҳолининг ҳаёт даражасига, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожига таъсир кўрсатишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Солиқларнинг юқорида баён этилган ўзига хослигига асосланган услубийлик ва ворисийликка кўра, солиқ менежментининг мақсадини аниқлаш ҳамда уни амалиётга йўналтириш самарали ҳисобланади.

*Таъкидлаш лозимки, солиқ менежментининг бош мақсади турли субъектлар ва аҳолига давлат томонидан қонунга асосланган ҳолда жорий этилган солиқлар ва солиқ режими воситасида таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилгандир.*

**Солиқ менежментининг функционаллиги (солиқларни режалаштириш, мувофиқлаштириш ва солиқ назорати)**

Солиқ бошқарувининг юқорида келтирилган асослари уни тизим сифатида концептуал тасаввур этиш имкониятини юзага келтиради. Унга кўра, солиқ менежменти ўзаро боғлиқ ва таъсирда бўлган блоклар, бир қанча тизимлардан ташкил топганлиги (10-чизма) намоён бўлади. Давлат бошқарувининг муҳим таркибий қисми бўлган солиқ менежменти бир неча тизимлар мажмуаси ичида етакчи саналади.

***10-чизма.***

***Солиқ менежменти тизими***




Давлатнинг умумий бошқаруви негизида, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар тизими таъсирида, солиқ менежменти солиқ сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, унинг ташкилий механизмини такомиллаштириш, солиқларнинг функциялари ва солиққа тортишнинг технологияларини аниқлаштириш орқали солиқ муносабатлари мувофиқлаштирилишини таъминлайди.

Шундай сиёсатнинг бош мақсади тизим инфратузилмасини шакллантириш ва мукаммаллаштириш орқали солиқ менежментининг функционаллигини, яъни солиқларни режалаштириш, мувофиқлаштириш, назоратини самарали уюштиришни таъминлашга қаратилганлигини таъкидлаш лозим.

Солиқ менежментининг етакчилигида тизимлар мажмуасида солиқ муносабатлари ва солиққа тортиш жараёнига режали, мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи таъсирлар кўрсатилади.

Солиқ менежментининг ҳар бир тизими, ўзига хос мақсадларига кўра фаолият юритади, аслида, устувор мақсад негизида, бир бутунлик ва ўзаро боғлиқликда бўлади. Мақсадлар тизими солиқ режаси, маълум бир солиқ тартиботи ёрдамида солиққа тортиш усулларини қўллаш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш орқали махсус функциялар амал қилиши ҳамда қарорлар қабул қилиниши иқтисодий жиҳатдан асосланади ва шакллантирилади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, солиқ менежментининг шу тусдаги тизимларини, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизим таркибини алоҳида ажратиб кўрсатиш сингари шартли ҳисобланади. Режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат тизимларининг функционаллиги ўз ҳаракати доирасида мустақил амал қилади. Шу нуқтаи назардан, солиқ менежментининг концептуал асосини ўрганиш орқали, уни бир бутун ижтимоий муносабатлар категорияси эканлигини таъкидлаш мумкин.

Солиқ менежменти иқтисодиёт субъектлари ва аҳолига, жамиятнинг оптимал ва самарали ижтимоий-иқтисодий

ривожланишини таъминлаш мақсадида, жорий этилган солиқлар ва солиққа тортиш орқали таъсир кўрсатишнинг тизимлашган жараёнидир.

***Мавзу бўйича хулосалар:***

- *солиқ менежменти яхлит тизим эканлиги таъкидланди;*
- *солиқ менежментининг таркибий қисмлари ўрганилди, уларнинг ўзаро боғлиқлиги кўрсатилди;*
- *функционал солиқ тизими самарали ишлашида солиқ менежментининг ўрнига баҳо берилди;*
- *солиқ менежментининг бошқа бошқарув тизимлари билан ўзаро алоқаси тадқиқ этилди.*

***Мавзунинг таянч иборалари:***

*бошқариш жараёни, умумдавлат бошқаруви, солиқ тизими, функционал солиқ тизимлари, солиқ менежменти инфратузилмаси, солиқларни режалаштириш, солиқларни мувофиқлаштириш, солиқ назорати, солиқ муносабатларини бошқариш.*

***Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:***

1. *Солиқ менежменти ва унинг таркиби.*
2. *Солиқ менежменти жараёни.*
3. *Солиқ менежментига таъсир этувчи омиллар.*
4. *Функционал солиқ бошқаруви тизими.*
5. *Солиқ менежментининг бошқа тизимлар билан ўзаро боғлиқлиги.*

***Фойдаланилган адабиётлар:***

*1, 2, 5, 6, 12, 15, 17, 21, 25, 28, 31, 34, 35, 37, 39, 41, 44, 47, 50.*

# IV боб. СОЛИҚ МЕНЕЖМЕНТИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

**Солиқ сиёсати-солиқ менежментининг асоси: ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсир**

Ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда солиқлар ва солиққа тортишни бошқариш тизими шакллантирилди, унинг асосий таркибий қисмларини ривожлантириш жараёни эса, давом этмоқда. Солиқ бошқаруви интеграллашган, кўп босқичли ва кенг жабҳали бўлиб, у давлат бошқарувининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларининг турли даражаси ҳамда бўлинмалари билан доимий ўзаро алоқадорликда ва таъсирда бўлган маълум бўйсунувчанлик муносабатлари тизимидир.

Солиқ бошқарувини амалга оширишда давлат ўз солиқ сиёсатини ишлаб чиқади. *Солиқ сиёсати - бу иқтисодий сиёсатнинг ажралмас бир бўлаги бўлиб, давлатнинг муайян даврда аниқ мақсадларга қаратилган солиқ соҳасидаги фаолиятидир. У таркибан, солиқларни жорий этиш, солиққа оид ҳуқуқий база яратиш, жорий этилган солиқлар ва солиқсиз тўловларни амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан мажмуали тарзда олиб бориладиган чора-тадбирлар йиғиндисидир.* Мамлакат солиқ тизимини хусусиятлари, йўналишлари, қандай солиқларнинг жорий этилиши, улар ўртасидаги нисбатни мувофиқлаштириш каби масалаларни *солиқ сиёсати* белгилаб беради.

Солиқ сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати

тўғрисида»ги қонуни, ҳукуматнинг бошқа солиққа оид қонун, қарорлари, Президент фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан ташкил топади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз солиқ сиёсатининг асоси Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва муваффақиятли тарзда амалиётда ўз аксини топаётган *иқтисодий ривожланишнинг беш* тамойилидир. Айнан, ана шу тамойилларга асосланган солиқ сиёсати изчил концепцияли механизм эканлигини таъкидлаш лозим.

*Солиқ концепцияси* - бу солиқ сиёсатини аниқ илмий асосланган ҳолда амалга ошириш ғоялари яхлитлигидир. Мамлакатимизда солиқ концепцияси Президентимиз Ислом Каримов томонидан чуқур илмий асосда ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясига асосланади. Агар солиқ концепцияси қанчалик чуқур илмий асосга эга бўлса, солиқ сиёсатининг барқарорлиги ҳам шунчалик мустаҳкам таъминланади. Ўз навбатида, солиқ концепцияси солиқлар соҳасидаги чуқур илмий тадқиқот ишлари ҳамда солиқ амалиётида орттирилган бой тажриба уйғунлигига асосланган бўлади.

Шунингдек, солиқ сиёсати барқарорлигини таъминлашда унинг стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилиши лозим. Солиқ концепцияси амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар хусусияти ва муддатини эътиборга олиб, солиқ сиёсати *стратегияси* ва солиқ сиёсати *тактикасига* бўлинади.

*Солиқ сиёсати стратегиясида* муайян, узоқроқ муддатга мўлжалланган солиққа оид иқтисодий муносабатларнинг асосий йўналишлари ва чора-тадбирлари

ифодаланади. Бу эса, ўз навбатида, илмий асосланган солиқ концепцияси билан бевосита боғлиқдир. Масалан, мамлакатимизда жамият тараққиётининг асосий стратегияси қилиб эркин, очиқ бозор иқтисодиётга, эркин фуқаролик жамиятга асосланган ҳуқуқий, демократик жамият қуриш белгиланган. Солиқ борасидаги устувор стратегик вазифа эса, давлат бюджети ва хўжалик юритувчи субъектларни солиққа оид иқтисодий муносабатларда муайян уйғунликни таъминловчи солиқ тизимини шакллантириш ва уларни мос равишда такомиллаштириб боришдан иборатдир. Ёки бошқача қилиб айтганда, солиқ сиёсати стратегияси - солиқ сиёсатининг узоқ муддатли йўналиши бўлиб, ижтимоий-иқтисодий стратегиясини белгилаб берган кенг қамровли вазифаларнинг келажакда бажарилишини таъминлаш кўзда тутилган молиявий тадбирлар жамламасидир.

*Солиқ сиёсати тактикаси* эса, белгиланган солиқ сиёсати стратегияси ижросини таъминловчи, тез-тез ўзгарилиб турувчи саъй-ҳаракатларни билдиради, яъни қисқа муддатли ва кичик кўламли молиявий чора-тадбирларни ҳал қилишга қаратилган фаолият мажмуаси сифатида қаралади.

Солиқ сиёсати концепцияси солиқ сиёсати стратегиясига нисбатан, солиқ сиёсати стратегияси эса солиқ сиёсати тактикасига нисбатан барқарор, яъни кам ўзгарувчан бўлиб, уларнинг барчаси бир-бирига боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдириб туради ҳамда яхлит ҳолда солиқ сиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Солиқ менежменти таркибий жиҳатдан қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

– мамлакат миқёсида амал қилувчи солиқлар ва солиқсиз

тўловларни қонуний жорий этиш;

– амал қилаётган солиқларнинг самарали ишлашини таъминловчи механизмни шакллантириш ва такомиллаштириш, солиққа оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш;

– солиқ сиёсатини амалга оширувчи давлат тегишли ваколатли органларни ташкил этиш ва уларнинг ушбу соҳадаги вазифаларини белгилаш;

– солиққа тортиш тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни амалиётга жорий этишни ташкил этиш.

**Солиқ менежменти ва унинг ҳуқуқий асослари**

Солиқ менежменти давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари: *Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ва Суд ҳокимиятлари* фаолиятларининг ажралмас қисми сифатида мажмуали тарзда амалга оширилади (11-чизма).

Бу ҳокимиятлар томонидан солиқ менежменти қуйидаги тартибда амалга оширилади. *Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳисобланган Олий Мажлис* томонидан солиққа оид ва унга бевосита тегишли бўлган қонунлар қабул қилинади, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади ёки айримлари бекор қилинади. Демак, солиқ сиёсатининг ҳуқуқий негизлари мазкур ҳокимият томонидан қабул қилинади.

*Ижро ҳокимияти бўлган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг бўлинмалари, Давлат Солиқ қўмитаси, Молия, Адлия, Иқтисодиёт вазирликлари, маҳаллий ҳокимиятлар* ва бошқа тегишли органлар Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлайди.

***Давлат солиқ бошқарувини амалга оширувчи органлар тузилмаси***







Бунда, албатта, ижро ҳокимиятининг бир бўғини ҳисобланган Давлат Солиқ қўмитаси солиқ сиёсати ижросини таъминлашда алоҳида ўринга эга эканлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, ҳар йилнинг охирида келгуси йил

учун амал қиладиган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловлар бўйича солиқ ставкаларини тасдиқлаш, ўзгартиришлар киритиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига берилган. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият бўғинлари билан бирга суд ҳокимиятининг бўғинлари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Суд ҳокимияти томонидан қонуний амал қилаётган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловларнинг ўз вақтида бюджетга келиб тушиши устидан назорат ўрнатилиб, солиқ қонунчилиги бузилишларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўлланади.

Солиқ солиш соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат аппаратининг турли бўғинлари фаолиятидаги мувофиқлаштирилганликка боғлиқ. Ваколат ҳар бир органнинг ўзига хос ролини белгилайди ва бир вақтнинг ўзида, унинг бошқа органлар фаолияти билан мувофиқлашувини таъминлайди. Давлатнинг асосий вазифаларидан бирининг ҳал этилиши, масалан, бюджетни тўлдириш, солиқ тўловчиларнинг иқтисодий ва юридик ҳатти-ҳаракатларига таъсир этишнинг у ёки бу дастагига эга бўлган барча давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг мувофиқлаштирувисиз амалга ошмайди.

Асосий иқтисодий ҳуқуқлар ва солиқ тўловчиларнинг эркинлигини таъминлаш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг доимий назорати остида туради. Президент томонидан уларнинг фаолиятига нисбатан билдириладиган асосий талаблар бевосита солиқ соҳасидаги ишларнинг умумий аҳволи, уни бошқариш, хўжалик юритувчи

субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқалар билан белгиланади. Давлат Солиқ қўмитаси ва бошқа солиқлар бўйича бевосита ҳамда билвосита ваколатга эга бўлган органлар ишини мувофиқлаштирган ҳолда ҳокимиятнинг ушбу соҳалари солиқ солиш билан боғлиқ ҳуқуқларни таъминлаш учун юқори даражали жавобгарликни ўз зиммасига олади ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзаро ҳамкорликнинг барча жиҳатларини мукаммал тартибга солади.

Қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлис) Конституциянинг 78-моддаси 8-банди ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига асосан ҳукуматнинг тақдимига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди. Давлат Солиқ қўмитасининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳукуматга киритиш ҳуқуқи, унинг Олий Мажлис билан ўзаро муносабатлари ҳукумат иштироки билан қурилишига яққол мисол бўла олади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Давлат Солиқ қўмитасига нисбатан ваколатлари бўйича раҳбар орган ҳисобланади. Солиқ қонунчилигини қўллаш амалиётини доимий равишда умумлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органларини мазкур соҳанинг хусусиятли жараёнлари ҳақида мунтазам хабардор қилиб бориши лозим.

*Солиқ органлари* ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан ўзаро

ҳамкорлик мамлакатда олиб бориладиган ягона солиқ сиёсатини юритиш, солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган бошқа мажбурий тўловларнинг ҳудудлар бюджетига келиб тушишини таъминлаш бўйича вазифаларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил қилишда иштироки орқали намоён бўлади.

Шу ўринда, *маҳаллий ҳокимият органларининг солиқлар бўйича ваколатларига* қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Маҳаллий ҳокимият органлари мамлакатимиз солиқ қонунчилигига мувофиқ бир қанча ваколатларга эга бўлиб, уларнинг ўз ҳудудида жойлашган солиқ тўловчиларга маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича қўшимча солиқ имтиёзларини, шунингдек, солиқ ставкалари миқдорини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилган энг юқори ставкалар доирасида белгилаш каби ваколатларини санаб ўтишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, давлат солиқ бошқаруви давлатнинг махсус ваколатли органлари томонидан амалга оширилади. Солиқлар бўйича ҳар бир ҳокимият органи махсус ваколатларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз фаолиятларини самарали олиб боришда улардан фойдаланади. Бунда, ваколатли органлар сифатида, барча ҳокимият органлари, жумладан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари биргаликда фаолият кўрсатади.

Давлат солиқ бошқарувида етакчилик Давлат Солиқ қўмитасига берилган бўлиб, унинг қуйи бўлимлари нисбатан мустақил бўлсада, иерархияли бўйсиниш тартиботида фаолият юритади. Давлат солиқ сиёсатини амалга оширишнинг марказий субъекти - Ўзбекистон солиқ хизмати

солиқ қонунчилигининг бажарилишини таъминлайдиган органлар тизимидан ташкил топган.

Унинг асосий вазифаси солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу муҳим вазифасини бажариш:

- солиқ солиш субъектлари ва объектларини тўлиқ, аниқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олишни таъминлаш;
- солиқ тўловчиларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда ёрдам кўрсатиш;
- назорат фаолиятини амалга ошириш асосида таъминланади.

Давлат солиқ органлари тизими кўп даражали поғона тарзидаги ташкилот тамойили бўйича барпо этилган: республика, вилоят ва туман даражаларини ўз ичига олган ягона марказлаштирилган тизимдан иборат (12-чизма).

***12-чизма.***

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тизими тузилмаси***



**Солиқ менежментида мувофиқлаштириш омили**

Мувофиқлаштириш - бошқариш жараёнининг энг марказий функциясидир. Унга кўра солиқ менежментининг барқарорлиги ва узлуксизлиги таъминланади. Солиқ менежментининг мувофиқлаштириш функцияси, унинг бошқа функциялари билан ўзаро алоқадорлиги мажмуали ҳисобланади (13-чизма).

*13-чизма.*

***Солиқ менежменти функцияларининг ўзаро алоқадорлиги***




Мувофиқлаштиришнинг асосий вазифаси – солиқ менежментининг ўзаро бирлиги негизида киришувчанлик алоқаларини таъминлашга қаратилгандир. Мазкур алоқалар мувофиқлаштирув жараёнига кўра хилма-хил бўлиши мумкин, яъни:

- ҳисоботлар;
- йиғилишлар;
- мулоқот - суҳбатлар;
- телекс - телефакс;
- товарлар картотекаси;
- компьютер алоқалари;

• ахборотлар банкини яратиш - орқали тагтизилмалар ўртасида ўзаро биргаликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш амалга оширилади.

Солиқ менежменти даражасини белгиловчи технологик юксак ва самарали тамойиллар асосида қурилган ўзаро алоқалар жараёни, биринчи навбатда, кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Масалан: маълумотлар билан алмашинув жараёнининг энг оддий моделини кўриб чиқайлик (14-чизма).

***14-чизма.***

***Маълумотлар билан алмашинув жараёнининг энг оддий модели***




Мазкур жараёндаги, навбатдаги яна икки йўналишни аниқ ўзлаштириб олиш ўта муҳимдир. (Қайта алоқалар ва унга ҳалақит берувчи тўсиқлар). Бу жараёнда юқоридаги моделнинг янада мукаммаллаштирилиши кузатилади. Бунда маълумотлар алмашинуви жараёни кетма-кетликда кечади (15-чизма).

Мазкур йўсиндаги алоқалар алмашинувини йўлга қўйиш жараёнида солиқ менежментида ишончли, сифатли ва фойдали маълумотлар базасига эга бўлиш имконияти яратилди.

Навбатдаги вазифа, оддий маълумотлар алмашинувидан мураккаб тизим сари ўтиш ҳисобланади.

Маълумотлар алмашинувининг мураккаб тизими уни:

• қайта ишлаш;

- таҳлил этиш;
- олинган ҳисоботларни яна қайта ишлаш жараёнидир.

***15-чизма.***

***Маълумотлар алмашуви жараёни - тескари алоқалар тизилмаси сифатида***




Солиқ менежерининг ташкилий фаолиятни мувофиқлаштиришга қаратилган ҳаракати бир томондан, маълумотларни қандай сақланаётганлиги, фойдаланилаёт-ганлигига, иккинчи томондан, улар билан ишлашнинг автоматлаштириш даражасига боғлиқ бўлади. Бунда ахборотлар тартиби йўриқномаси (ахборотлар банки) яратилади. Замонавий компьютерларни ишлатиш солиқ менежери билимининг юқори бўлиши, маълумотлардан тўла ва самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Солиқ менежментида ахборотлар (маълумотлар) тизими (банки) объект-субъект ўртасидаги алоқаларга дахлдор бўлиб, улар солиқ муносабатларини:

- бошқаришини мувофиқлаштириш;
- бошқарув жараёнини мукаммаллаштириш;

• солиқларни такомиллаштириш;

• солиқларни ҳисоблаш ва тўлашни назорат қилиш каби жараёнларда кенг фойдаланилади.

Режалаштириш солиқ менежментининг стратегияси ҳисобланса, мувофиқлаштириш унинг тактик масалаларини ҳал қилиб беради. Бу функциянинг асосий вазифаси оқилона алоқалар ўрнатиш йўли билан солиқ менежменти тизимининг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни мувофиқлаштиришни таъминлашдир.

Мувофиқлаштириш маблағларни тежаш мақсадида солиқ менежментидаги бир-бирини такрорлашни бартараф қилиш имконини беради. Бундан ташқари, у таркибий бўлинмалар ўртасида ресурсларни тақсимлаш йўли билан бошқарув жараёнларини амалга оширишни мақсад қилиб қўяди. Унинг ёрдами билан вужудга келиш эҳтимоли бўлган мақсаддан «оғиш»ларнинг олди олинади.

Бу функциянинг мақсади «тутиб олиш», «айбини очиш», «илинтириш» эмас, балки менежмент объектида содир бўлаётган жараёнларни ҳисобга олиш, текшириш, таҳлил қилиш ва маълум тартибда шу объект фаолиятини ўз вақтида созлаб туриш ҳисобланади.

Моделлаштириш орқали солиқ менежментида кутилмаган холларнинг таъсирини ўзида акс эттирган моделни ишлаб чиқиш мумкин (16-чизма) бўлади. Бундай модел солиқ менежерига, айнан, солиқ муносабатларини бошқаришга таъсир этувчи омилларни муваффақиятли ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Умуман, солиқ муносабатларини бошқаришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни тизимли ёндашув орқали

ўрганиш талаб этилади. Бунда назарий билимларни мажмуали равишда ўрганиш ҳамда улардан амалиётда моҳирона фойдалана олиш тақозо этилади.

Мери Перкер Фоллетт 1920 йилда "шароит қонуни" ҳақида ёзиб, у «хилма-хил шароитлар хилма-хил билимларни тақозо этади. Бир шароит учун муваффақиятли қўлланилган билимнинг эгаси, агар менежерлик илмини пухта эгаллаганман деб ўйласа, у бир соатлик халифага ўхшайди», – деб таъкидлаган эди.

Солиқ менежменти жараёни – функционал жараёндир, У мунтазам янги ғояларни яратиш ва амалга ошириш, эскисини такомиллаштириб боришни талаб қилади. Шунга кўра, вазиятни моделлаштириш орқали солиқ менежменти муваффақиятга эриша олади. Бунда:

- солиқ органлари фаолиятида юқори самарадорлик таъминланади;
- солиқ органлари ҳолатининг барқарорлигига эришилади;
- солиқ органлари истиқболининг янги йўналишлари, фаолиятининг янги турлари яратилади.
- солиқ сиёсатини пухта ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади ва бошқалар.

Солиқ менежментида вазиятни моделлаштириш орқали (17-чизма) менежерлик фаолиятни мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш мумкин. Бу эса, солиқ органи фаолиятида юқори самарага эришиш йўлидир.

**Солиқ менежментида қарорлар бажарилишини таъминлашда кўникмаларни шакллантириш**

Доимий такрорланиб турадиган амалий фаолият

***16-чизма.***

***Солиқ менежментида турли ҳолатлар таъсирини ўзида акс эттирувчи модель***



негизида кўникма ҳосил бўлади.

| | |
|---|---|
| *Кўникма* - | фаолият субъектининг ўз билим ва малакалари доирасидаги мақсадга мувофиқ бажарилиши учун зарурий ҳаракатларнинг мураккаб тизилмаси ҳисобланади. |

Солиқ менежментида кўникмани шакллантириш:

- вазифа билан боғлиқ билимни танлаш;
- вазифанинг муҳим хусусиятларини ажратиш;
- вазифанинг бажарилишига имкон берадиган ўзгаришларни аниқлаш ва амалга ошириш;
- мазкур ўзгаришларнинг натижаларини қўйилган мақсадга кўра тўғрилаб бориш ва шулар каби қатор жараёнларни ўз ичига олади.

***17-чизма.***

***Солиқ менежментида қўлланиладиган моделлар ва уларнинг таснифи***

| № | Моделнинг номи | Қисқача тавсифи |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. | Кўргазмали модель | Вазиятни иллюстратив изоҳлаш йўли билан унга баҳо бериш. |
| 2. | Таҳлил модели | Аналитик йўл билан, яъни шартли чизиқлар, таснифлар, тавсиялар орқали вазият таққосланади. Шу модел орқали муносабатлардаги ижтимоий - психологик ҳолатга ташҳис қўйиш мумкин. |
| 3. | Вазият орқали тартиблаш модели | Солиқ муносабатларида мулоқотга тортилган субъект, масалани, муаммони ҳал этишга жалб этилади. Муомала жараёнида унинг билими, касбий кўникмалари ортади. |
| 4. | Ўйинлар модели | Асосий мақсад: қандай қилиб солиқлар тўғри ва аниқ ҳисобланиши тўланишини таъминлаш мумкин? деган саволга қаратилади. Бу жараёнда ягона мақсад атрофидаги бирлик шаклланади. |
| 5. | Иқтисодий зарар кўрмаслик тамойиллари модели | Технология, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, ижтимоий жараёнларни ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликда ўрганиш заруриятини, солиқ менежменти самарадорлигига тўғри баҳо бериш орқали самарали менежерлик йўл-йўриқлари ишлаб чиқилади. |

Солиқ менежментида кўникмаларга ўргатиш менежернинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, турли йўллар билан амалга оширилади. Бунда қуйидаги икки йўлни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- *биринчи йўлда:* зарурий билимлар эгаси бўлган менежер учун навбатдаги вазифа келиб чиққан ҳолда улардан мақсадга мувофиқ равишда фойдалана билиш, тегишли мўлжални олиш, уларга кўра - ахборотни қайта ишлаш воситалари ва фаолият усулларини қўллаш кабилар орқали тўғри ечимни топишга ҳаракат қилинади;

- *иккинчи йўлда,* кўникмаларни шакллантириш жараёнида менежернинг ўз билимларини қўллаши учун зарур бўлган руҳий ҳолатини бошқаради. Бу ҳолатда менежер қўйилган вазифаларни бажариш учун ахборотларни қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича менежерлар гуруҳи фаолиятларини уюштириб, мақсад сари мўлжалларни янада аниқлаштиради.

Шу тариқа, солиқ менежментида солиқ муносабатларини оптималлаштириш юзасидан биргаликдаги фаолиятида кўникмаларни шакллантириш механизми қарор топади. Бундай механизмнинг қарор топиши ва тўлиқ ишлаши солиқ менежментида солиқларни тўғри ва аниқ ҳисоблаш ҳамда тўлаш жараёнини янада мукаммал бўлишини таъминлайди.

***Мавзу бўйича хулосалар:***

- *умумдавлат бошқарув тизимида солиқ менежментининг ўрни баҳоланди ва унинг вазифалари кўрсатиб берилди;*

- *солиқ менежменти ва унинг субъектлари атрофлича ёритилди;*
- *солиқ менежментини ташкил этишда Давлат Солиқ хизмати ва унинг асосий вазифалари баён этилди.*

**Мавзунинг таянч иборалари:**

*солиқ тактикаси, солиқ стратегияси, солиқ концепцияси, солиқ сиёсати, солиқ менежери субъекти, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият, ваколат, солиқ хизмати, солиқ органи*

**Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:**

1. *Солиқ менежментининг ташкилий асослари.*
2. *Солиқ менежменти ва унинг ваколатлари.*
3. *Солиқ менежментида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўрни.*
4. *Ижро этувчи ҳокимиятнинг солиқ бошқарувидаги иштироки.*
5. *Давлат солиқ хизмати ва унинг асосий вазифалари.*

**Фойдаланилган адабиётлар:**

*1, 2, 3, 5, 8, 9, 13, 16, 20, 25, 31, 32, 43, 44, 47, 48, 49, 50*

# V боб. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ

***Солиқ менежменти ва солиқларни ҳисоблашнинг ўзаро алоқадорлиги***

Солиқ менежменти кўлами ва таснифига кўра аниқ бир иқтисодиёт субъектига солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш борасида зиммасига юклатилган ўз мажбуриятларининг бажариши юзасидан давлатнинг солиқ муносабатларини ўзида ифодалайди. Шу ўринда қайд этиш керакки, иқтисодиёт субъектларининг молиявий оқимларида солиқ тўловлари сезиларли улушни ташкил этади. Бозор муносабатлари ривожланиши, тадбиркорлик даражасининг сифат ва сон жиҳатдан ўсиш даврида солиқ юки масаласи субъектлар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Иқтисодиёт субъектлари томонидан солиқ мажбуриятларини бажариш юзасидан асосли ва тўғри қарорлар қабул қилиниши охир-оқибатда уларнинг молиявий аҳволига бевосита таъсир этувчи омил саналади. Солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб - китоблардаги ҳар қандай хатоликнинг ҳисобга олинмаганлиги катта молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Шу ўринда субъектнинг ўз солиқ мажбуриятини максимал камайтириш, минималлаштиришга бўлган легал усуллар ва йўлларга асосланган саъй-ҳаракати меъёрий ҳолат эканлигини таъкидлаш лозим.

Юқорида баён этилган ҳолат иқтисодиёт субъектларида солиқлар ва солиққа тортиш борасида ўзига хос бошқарувнинг жорий этилишини тақозо этади.

Амалдаги молиявий фаолият таркибида солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масаласи айни вақтда ички солиқ

режалаштирилишини, таҳлил, ҳисоб ва назорат билан боғлиқ бўлган вазифаларни келтириб чиқармоқда. Субъектларда солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш юзасидан асосли, тўғри қарорларни қабул қилиниши уларнинг якуний молиявий натижалари ҳамда фаолияти самарасини белгиловчи омилга айланмоқда.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатмоқдаки, умумдавлат ҳамда алоҳида олинган иқтисодиёт субъекти мисолида солиқ бошқаруви айнан бир бутун солиққа тортиш жараёни билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий ҳодисадир. Аммо, бизнинг назаримизга кўра уларнинг ўзаро боғлиқ ҳодиса эканлигини таъкидлаган ҳолда қайд этиш лозимки, мақсадлар моҳияти ва белгиланган вазифаларга кўра солиқ субъектлари ўзаро муносабатлари ўртасида маълум қарама-қаршиликлар мавжудлиги намоён бўлади.

Жамиятда солиқлар ва солиққа тортишни бошқарув жараёни ўзаро таъсирга эга бўлган йўналишлар эканлигини қайд этган ҳолда, ўз кўламига кўра умумдавлат миқёсида солиқларни бошқариш давлат манфаатларига хизмат қилишга қаратилганлиги, алоҳида олинган иқтисодиёт субъекти мисолида эса, айнан унинг манфаатларини ўзида акс эттирганлигини кўрамиз. Шу нуқтаи назардан иқтисодиёт субъектлари учун давлат томонидан белгилаб берилаётган солиқ юки бўйича манфаатлар ўзаро мос эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Давлат ва алоҳида олинган иқтисодиёт субъекти ўзаро боғлиқ бўлган фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш солиқ қонунчилигига кўра аниқланган ва белгилаб қўйилган. Хусусан, солиқ кодексининг

меъёрий талаблари давлат ҳамда алоҳида иқтисодиёт субъекти томонидан сўзсиз бажарилиши, манфаатларнинг ўзаро мувофиқ келиши, муносабатларнинг очиқлиги солиқ тизимининг демократик ижтимоий йўналишга эга эканлиги ва самарадорлигини ошириш учун шарт-шароит яратади.

***Солиқ менежменти интеграллашган ривожланиб борувчи муносабат сифатида***

Солиқ менежменти интеграллашган, ривожланиб борувчи муносабатлар сифатида кейинги йиллардаги солиқ муносабатларини бошқариш жараёнида янада фаол таъсирга эга бўлиб, унинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, солиқ менежментининг умумий инфратузилмаси таркибидаги аудиторлик, консалтинг, шунингдек эркин маслаҳатчи фирмалар солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоб-китобларини амалга ошириш, уларнинг молиявий бошқаруви ҳамда солиқ органлари билан ўзаро муносабатлар юзасидан хизмат кўрсатмоқда. Дунёнинг барча ривожланган давлатларида солиқ тўловлари бўйича маслаҳатлар бериш тақчил ва қиммат фаолият ҳисобланади.

Ўзбекистонда бугунги кунда солиқ маслаҳатчиларига бўлган эҳтиёж сезиларли ортиб бораётган ва умумтан олинаётган касбий фаолият жабҳаси сифатида ўзининг шаклланиш даврини бошдан кечирмоқда. Солиқлар бўйича маслаҳат бериш мураккаб жараён бўлиб, у ташкилий-ҳуқуқий, услубий-этик, психологик ва маънавий масалаларда юқори даражадаги билимдонлик ва кўникмаларни талаб этади.

Солиқ маслаҳатини самарали ташкил этиш солиқлар ва солиққа тортиш тизимини кадрлар билан таъминлаш масаласини келтириб чиқаради.

***Мавзу бўйича хулосалар:***

- *солиқ муносабатлари ва уларни амалга оширишда субъектларнинг масъулияти ўрганилди;*
- *корпоратив солиқ менежментини ташкил этиш асослари атрофлича ёритилди;*
- *солиқ менежментини ташкил этишда солиқ маслаҳатининг ўрнига баҳо берилди.*

***Мавзунинг таянч иборалари:***

*иқтисодиёт субъекти, тадбирколик фаолияти, солиқ кўлами, солиқ мажбурияти, солиқ ҳисоб-китоблари, солиқ оқимлари, солиқ юки, солиқ маслаҳати, аудит, солиқ менежменти инфратузилмаси, солиқ тизими самарадорлиги*

***Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар:***

1. *Иқтисодиёт субъектлари фаолиятида корпоратив солиқ менежментининг аҳамияти.*
2. *Солиқ муносабатларини бошқаришнинг микродаражаси ва уни ташкил этиш.*
3. *Иқтисодиёт субъектлари фаолиятида солиқ менежментини ташкил этишга кўмаклашувчи инфратузилманинг роли.*
4. *Ривожланган мамлакатларда солиқ менежментининг корпоратив бошқарувдаги ўрни ва роли.*
5. *Ўзбекистонда солиқ маслаҳатини йўлга қўйиш масаласи.*

***Фойдаланилган адабиётлар:***

*2, 3, 11, 16, 20, 21, 29, 31, 32, 34, 35, 44, 48, 49, 50*

# VI боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШДА СОЛИҚ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Солиқ тизимини бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари**

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизимини бошқаришнинг назарий-услубий ва амалий жабҳаларини тадқиқ этиш эътиборталаб жабҳа бўлиб қолмоқда.

Солиққа тортишнинг назарий асосларидан келиб чиқиб, солиқ сиёсатини амалга ошириш бу борада оптимал вариантни танлаб олишни талаб этади. Хусусан, солиқ механизми фаолиятига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Улар жумласига: мамлакатдаги ўсиш суръатлари ёки ишлаб чиқариш пасайиши билан характерланувчи, умумий иқтисодий вазият; инфляция даражаси; давлатнинг пул-кредит сиёсати; иқтисодиёт тармоқларининг таркибий ўзгаришлари динамикаси каби омиллар киради.

Бунда, умумий иқтисодий вазият, хусусан, хўжалик тизимининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Мамлакатимизни ривожлантириш «Ўзбек модели»да ифодаланган беш тамойил асосида амалга оширилмоқда.[1] Ушбу тамойиллар - иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устуворлиги, давлат ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда бош ислоҳотчи эканлиги, қонун устуворлиги ва қонунга бўйсунувчанлик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича таъсирчан чора- тадбирларни амалга ошириш, бозор иқтисодиётига асосланган ўзгаришларни амалга оширишда

---

[1] Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1.:Ўзбекистон, 1996. 300-301б.

босқичма-босқичликка асосланиш кабилардир.

«Ўзбек модели»ни амалга оширишнинг ҳозирги босқичи иқтисодиётни янада эркинлаштириш зарурияти ва имкониятлари билан узвий боғлиқдир.

Бунда иқтисодиётни эркинлаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг муайян шакллари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, мулкчилик масаласини тубдан ҳал этилиши асосида мулкдорлар синфининг шаклланишидир, яъни, ислоҳотлар жараёнини амалга оширишнинг бош мақсадини узил-кесил ҳал этиш зарурдир;

- иккинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш рақобат муҳитини шаклланиши билан узлуксиз боғлиқдир. Рақобат муҳитисиз энг замонавий бозор иқтисодиёти ҳам самарали фаолият кўрсата олмайди. Монополияга қарши чора-тадбирлар мажмуи шунга олиб келиши лозимки, ишлаб чиқарувчилар нархларни шакллантиришларида бозор механизми воситасида истеъмолчилар талабларига мўлжал олишларига эришиш лозим бўлади;

- учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш бозор инфратузилмасини ривожлантириш билан узвий боғланган бўлиб, у тадбиркорларга хизмат кўрсатиш, уларнинг роли ва ўрнини мустаҳкамлаш, шунингдек, иқтисодиётни янада эркинлаштиришга қаратилгандир;

- тўртинчидан, ҳозирги шароитда бирмунча марказлашган, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тизимини мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгаришларга мувофиқлаштириш, унинг ўзаро манфаатли бўлган шаклларига ўтиш жараёнини жадаллаштириш зарурдир. Шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий капитални

фаол жалб этиш учун ҳуқуқий-иқтисодий шарт-шароитни янада такомиллаштириш орқали иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларида хорижий инвесторларнинг фаол иштирок этиши, яратилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш ишига хизмат қилувчи омилларнинг ролини ошириш зарур;

- бешинчидан, валюта бозорини эркинлаштириш ва сўмни тўла эркин конвертация қилиш тўғрисидаги масалани изчил ҳал этиш бўйича муайян вазифа бажарилиши таъминланмоқда. Бундай шароитларда тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларига мос бўлган капитал жалб этилишини таъминлаш борасида объектив равишда манфаатлари ошди. Бу эса, мамлакатимиз иқтисодиётида нодавлат тармоқ самарадорлиги барқарор ўсишини таъминлашнинг асосига айланмоқда;

- олтинчидан, хорижий инвестицияни жалб этиш бўйича рағбатлантириш механизмини мустаҳкамлаш, берилган таъсирчан кафолат ва имтиёзларнинг самарали амалга оширилишини таъминловчи фаолиятни йўлга қўйиш саъй-ҳаракатларини давом эттириш зарур. Бундай саъй - ҳаракатларни амалга оширилиши оқибатида мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишни ҳоҳловчи инвесторлар учун қулай шарт-шароит таъминланади;

- еттинчидан, иқтисодиётни эркинлаштиришнинг пировард мақсади албатта, энг аввало, давлатнинг турли назорат органлари томонидан иқтисодиёт субъектлари фаолиятига аралашувини чеклаш билан боғлиқдир. Таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни янада эркинлаштириш

жараёни субъектларнинг ўз фаолият натижалари учун иқтисодий-молиявий жавобгарликларини оширишни ҳам тақозо этади.

Иқтисодий эркинлаштириш жараёнида кичик бизнес ва тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот шаклланишида ҳал этувчи бўғин сифатида бандлик ҳамда мамлакатда миллий фаровонликни таъминлашнинг муҳим омилига айланади[1].

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мажмуаси тўғридан-тўғри ёки бевосита солиққа тортиш жараёнлари билан ҳам боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан самарали солиқ сиёсатини амалга ошириш - мазкур эркинлаштириш жараёнининг зарурий омили ҳисобланади.

Албатта, биринчи навбатда, иқтисодий ривожланишнинг таркибий ўзгаришлари субъектларнинг инвестицияга оид қарорларни қабул қилишлари ҳамда ушбу қарорларда самарадордик мезонлари қандай белгиланганлиги таъсирида бўлсада, биз юқорида таъкидлаганимиздек, бу жараён солиқ механизми фаолияти билан ҳам тўғридан тўғри боғлиқдир, айнан солиқ тизимини ривожлантириш аҳамиятли омил ҳисобланади.

Бугуннинг муҳим вазифаси - ислоҳотларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришдир. Бунинг учун мамлакатимизда ижтимоий ривожланишнинг муҳим устуворликлари белгиланган.[2]

---

[1] Қаранг: Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость, процветание Родины, свабода, благополучие народа. Доклад на первой сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан Второго созыва 22 января 2000 г. –Т «Ўзбекистон», 2000; Каримов И.А. Утверждение духа предпринимательство в обществе залог прогресса: Выступление на заседание Кабинета Министров по итогам первого полугодия 2001 года//Народное слово №140 от 18.07.01

[2] Қаранг: Каримов И.. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 3-52 б.

Хусусан, устувор йўналишлардан бири - бу бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва унинг инфратузилмасини шакллантириш, барқарор, мувозанатлашган иқтисодиётни яратиш учун муҳим шарт-шароит сифатида эркин иқтисодиёт тамойилларини амалга оширишдир.

Бунда, кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш, шунингдек, у фуқаролар даромадларининг асосий манбаига ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асосига айланиши лозим.

Айни вақтда хорижий, биринчи навбатда, хусусий инвестицияларни жалб этиш учун зарурий инвестицион иқлимни яратиш ва иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни таъминлаш орқали ишлаб чиқаришни янгилаш, экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт алмашинувини йўлга қўйиш учун кафолатлар тизимини яратиш назарда тутилади. Ички ва ташқи инвестициялар, аввало, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтирилиши, валюта захиралари иқтисодий барқарор ўсиш учун сафарбар этилиши лозим.

Мазмун-моҳият жиҳатидан бу саъй-ҳаракатлар солиқ тизимини такомиллаштиришнинг стратегик асосини ташкил этади.

Иқтисодий эркинлашувни таъминлаш нуқтаи - назардан, солиққа тортишнинг энг маъқул даражаси юридик ва жисмоний шахсларга шундай жами солиқ юкини тақозо қиладики, бунда солиқлар тадбиркорлик ва инвестиция

фаолиятлари, шунингдек, аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирга эга бўлмасдан, балки аксинча, айни вақтда бюджет тушумларининг зарурий ҳажмини ҳам таъминлаш омилига айланади.

Иқтисодий ривожланиш жараёнида, мутахассислар макроиқтисодий даражадаги солиқлар пасайишида инвестиция самарасини баҳолашга уриниб кўрдилар[1]. Бу ҳол аралаш иқтисодиётда маълум вақт оралиғида самарали қўлланилиши мумкинлигини амалий тажриба кўрсатмоқда.

Орттирилган амалий тажрибага асосланиб, мазкур ҳолатни формал таҳлил этадиган бўлсак, очиқ иқтисодиётдаги миллий ҳисобларнинг айнанлигига мурожаат қилиш асослидир. Мантиқийликка риоя қилган ҳолда ЯИМ реал ҳажмини уй хўжаликлари истеъмоли, ички инвестициялар, ҳукумат харидлари, экспорт ва импорт, хусусий тармоқда солиқлар тўлангандан кейинги қолган даромадлар бюджетга солиқ тушумларини характерлайди.

Хусусий сектордаги ҳақиқий жамғармалар, давлат секторидаги ҳақиқий жамғармалар, экспортнинг импортга нисбатан реал ошиши, яъни чегарадан ташқарида айирбошлаш натижасида соф экспортдан олинадиган сумма аниқланади.

Бунда шундай хулоса қилиш мумкинки, инвестициялар ички жамғармаларнинг маълум қисмини ташкил этиб, соф экспортдан тушумлар чиқариб ташланади.

Бироқ, ҳақиқатда яна иккита турли йўналишдаги капитал маблағлар ҳаракат оқими ички инвестициялар

---

[1] Қаранг: Дагаев А. Приведет ли снижение налогов к увеличению инвестиций?//Мировая экономика и международные отношения, 1, 2001 -с.65-68

ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатади: соф чиқиб кетиш, капиталнинг чегарадан чиқиб кетиши, соф оқиб келиш ва реал активларни сотиб олиниши билан боғлиқ.

Агарда давлат ва хусусий сектордаги жамғармаларнинг жами суммаси (соф экспорт тушумларидан ташқари) мамлакатга хорижий капиталнинг оқиб келиши ҳамда оқиб чиқиб кетишига нисбатан ортиб борганда иқтисодиётда реал инвестициялар аҳамиятли ўринга эга бўлади.

Хусусий сектордаги инвестициялар, жамғармалар, солиқ тушумлари ва солиққа тортиш умумий даражаси капитал оқиб чиқишини ўзаро боғлиқлигини ифодалайди ва бу узлуксиз жараёндир, давлат сарф-харажатлари ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг амалдаги соф экспорти учун тўлов тушумлари, мамлакатдаги солиққа тортиш даражасига боғлиқ эмас.

Даромадни солиққа тортиш даражаси қандайлиги иқтисодиётга инвестицияларни максималлаштириш имконини беради.

Солиққа тортиш ставкасининг ўсиши хусусий сектордаги жамғармалар камайишига олиб келувчи омил саналади. Худди шунингдек, чет эл инвестициялари ҳам солиққа тортиш ўсиши билан камаяди ёки энг қулай бўлган ҳолда унга боғлиқ бўлмайди.

Капиталнинг чиқиб кетиши кўпроқ даражада айнан солиқлар ўсиши оқибатида юзага келади.

Бюджетга солиқлар тушуми ставкалар ўсиши билан муайян чегарагача ошади, кейин эса, камая бошлайди. Бюджетга солиқлар тушуми ўсиши солиққа тортиш даражаси ўзгаришига кўра тавсифланади.

Инвестицияларнинг максимал даражасидаги солиққа тортиш ставкаси солиқларнинг максимал даражадаги тушумини таъминлайди.

Шундай қилиб, солиқ сиёсатини амалга оширишда устуворликни танлаш (бюджетнинг максимал тўлдирилиши ёки инвестицияларнинг максимал даражаси) лозим бўлади.

Ўзбекистонда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида устуворликни эркинлаштиришга бериш мақсадга мувофиқдир, хусусий тармоқда инвестицияларни максималлаштириш шароитида бюджет тўлдирувчанлиги қисқаради.

**Солиқ менежери ва унга қўйиладиган талаблар**

Солиқ менежерини қуйидаги қирраларда ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

• таржимаи ҳолининг тавсифномасига кўра (солиқ менежерининг муваффақиятли фаолият кўрсатишида таржимаи ҳол тавсифномасининг ҳам ўзига хос роли бор);

•• қобилияти ва истеъдодига кўра;

Солиқ менежерининг қобилияти ва истеъдоди қуйидаги икки кўламни қамраб олади:

- умумий (интеллект);
- махсус (билим, қобилият ва шунга ўхшаш).

Самарали менежерликни таъминлашда қобилият ва истеъдод умумий жиҳатининг аҳамияти (18,19-чизмалар) қуйидагилардир:

- менежер қобилияти ва истеъдоди
- менежер тажрибаси
- гуруҳ билан муносабати
- менежер мотивацияси
- юқори мансабдагилар билан муносабати
- менежерлик самарадорлиги

*18-чизма.*

**Солиқ менежерининг умумий сифати ва менежерлик самарадорлиги ўртасидаги ўзаро алоқадорлик**




шахсий фазилатларига кўра. Солиқ менежерининг шахсий фазилатлари ҳам самарали фаолиятни йўлга қўйишда катта аҳамият касб этади.

Улар қуйидагилардир:

- таъсирни ўтказа олиш;
- ўзига ишонч;
- ижодкорлик;
- ҳис-ҳаяжон ҳолатларида вазминлик;
- стрессга бардошлик;
- мақсадга эришишга интилиш кучлилиги;
- мустақиллик;
- мулоқотда очиқлик;
- масъулиятни ҳис этиш ва бошқалар.

*19-чизма.*

**Солиқ менежери қобилиятининг махсус жиҳатлари**




Мазкур талабларга тўлиқ жавоб бера олган солиқ менежери ўз имижи юқори бўлишига эриша олади(20-чизма).

*20-чизма.*

**Солиқ менежери олдига қўйиладиган талаблар мажмуаси**




**Менежерликнинг даражалари ва солиқ менежерининг хизматдаги юксалиши**

Менежерликнинг турли даражалари амалга ошириладиган меҳнат тақсимотидан келиб чиқади (21-чизма). Кўплаб мураккаб тизилмали ташкилотларда ўз обрў ва мавқеларига мос равишда ҳар бир бошқариш соҳаси ходими ўз хизмат доираси бўйича маълум бошқариш жойини эгаллайди ҳамда асосан ўз фаолияти самарадорлиги учун жавобгар бўлади.

Бу жавобгарлик менежерликнинг, иерархияли тамойилига мос келади.

Солиқ менежерлари гуруҳи - бошқарув таркибида аҳамиятли гуруҳ ҳисобланади. Иерархияли тузулманинг хилма-хиллигига кўра, солиқ менежментида маълум талаблар асосида, менежерликнинг маълум поғоналари аниқ белгилаб қўйилган.

Менежерликнинг турлича даражаларда амалга оширилиши унинг мавқесини белгилаб беради. Солиқ

менежменти фанининг энг долзарб вазифаси бозор муносабатлари шароитида самарали ишлай оладиган менежерларни тайёрлашга кўмак беришдир. Шунга кўра, солиқ менежерининг хизматдаги юксалиши-намунавий ходимга айлана бориши жараёнини ҳар томонлама ўрганиш бу мақсадга хизмат қилади.

***21-чизма.***

***Хизмат доираси ва жабҳасига ҳамда бошқариш жараёнида меҳнат тақсимотига кўра менежерлик даражалари.***




